2025 ЙИЛ – АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 244 (1305), 2024 йил 30 ноябрь, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

БУХОРО ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА БОҒЛАНИБ ҚОЛГАН ВИЛОЯТДАН САНОАТИ РИВОЖЛАНГАН ВА ИШСИЗЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 29 ноябрь куни Бухоро вилоятида қўшимча имкониятларни юзага чиқариш, инвестиция ва иш ўринларини кўпайтириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказди.

Аввалари бу ҳудуд иқтисодиёти, асосан, қишлоқ хўжалигига боғланиб қолган эди. Охирги етти йилда вилоятга 4 миллиард доллардан зиёд инвестициялар жалб этилиб, энергетика, электротехника, кимё, фармацевтика, тўқимачилик ва чарм саноати каби кўплаб тармоқлар ривожланди. Жорий йилнинг ўтган даврида Бухорога 1,5 миллион нафар хорижий турист ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг 31 май-1 июнь кунларидаги амалий ташрифи ҳудуд ривожига қўшимча туртки берди. Унда белгиланган вазифалар йил якунигача тўла амалга оширилади.

2025 йилда иқтисодий кўрсаткичларни янада ошириб, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш зарур. Шу мақсадда ишчи гуруҳ томонидан вилоятдаги қўшимча имкониятлар, тадбиркорлик ривожига халал бераётган омиллар ўрганилган.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда вилоятнинг иқтисодий кўрсаткичлари мавжуд салоҳиятга мос эмаслиги айтилди. Инвестицияларни ўзлаштириш, камбағаллик ва ишсизликни камайтириш борасидаги ишлар қониқарсизлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу боис, ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари ва сектор раҳбарлари 6 ой фавқулодда иш тартибига ўтади. Бутун эътибор шу учта йўналишни яхшилашга қаратилади. Хусусан, Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор ва Ғиждувон тажрибалари асосида 70 та драйвер лойиҳани амалга ошириб, 150 минг одамни даромадли қилиш, 40 минг кишини камбағалликдан чиқариш лозим.

Қайд этилганидек, вилоятнинг ҳар бир ҳудудини саноатнинг муайян тармоғига, масалан, Пешку ва Шофиркон туманларини қурилиш материаллари ҳамда тўқимачиликка, Когон шаҳри, Олот ва Жондор озиқ-овқат, Ғиждувон ва Ромитанни кимё саноатига ихтисослаштириш керак. Бу тадбиркорларнинг 150 миллион долларлик лойиҳаларига йўл очади. Бунинг самарасида 411 та кичик корхона, 12 мингта иш ўрни пайдо бўлади.

Вобкент, Қоракўл, Жондор ва Олотда 320 миллион долларлик 4 та тўқимачилик корхонаси қуриш лойиҳалари бор. Натижада тайёр трикотаж ва тўқимачилик маҳсулотлари ҳажми 2 баробар ошади, 5 мингта иш ўрни яратилади.

Келгуси йил Бухорода хорижий туристлар сони 2,2 миллионга, туризм экспорти 600 миллион долларга етиши кутилмоқда. 69 та янги меҳмонхона, 2 мингта ҳунармандчилик раста ва дўконлари барпо этилиши бунга катта ҳисса қўшади.

Қўшимча 20 минг гектар ер майдонларини ўзлаштириш мўлжалланган. Бунинг ҳисобига қўшимча 100 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади ва 2 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланади. Томорқалар, дала чети ва каналлар атрофидаги бўш ерларда ҳам қўшимча дарахт ва озиқ-овқат маҳсулотлари экилади.

Яна бир имконият — яйловлар. Бухоро вилоятида 2 миллион гектардан зиёд шундай ерлар бор. Куни кеча мева-сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича ўтказилган йиғилишдан келиб чиқиб, ҳозирда фойдаланилмаётган яйловларда писта етиштириш режалаштирилмоқда.

Йиғилишда Бухоро вилояти ҳокими шу каби имкониятларни ишга солиш бўйича режаларини тақдимот қилди. Умуман, келгуси йилда 2 миллиард долларлик хорижий инвестиция ҳисобига 106 та лойиҳани амалга ошириш мўлжалланган айтилди. Уларда 105 мингта доимий иш ўрни яратилади, 350 миллион доллар экспорт бўлади.

Давлатимиз раҳбари бу режалар вилоят учун етарли эмаслигини таъкидлаб, саъй-ҳаракат ва натижаларни ошириш бўйича кўрсатмалар берди. Таклифларни яна бир бор кўриб чиқиб, қарор лойиҳасини киритиш топширилди.

ЎзА



8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Шу кунларда Конституциямиз қабул қилинган кун байрамини муносиб кутиб олиш ва уни кенг нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Ҳар қандай демократик давлатнинг изчил тараққиёти бевосита унинг Конституциясида белгиланган норма ва принциплар мазмуни ҳамда уни бевосита таъминлаш ва ҳаётга татбиқ этилишига боғлиқ. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 17 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши билан янги Ўзбекистон стратегиясининг асосий устувор йўналишлари акс этган **“Конституция — эркин ва фаровон ҳаёт гарови!”** бош ғояси негизида ўтказилаётган тадбирларнинг барчаси янгиланган Конституциямизнинг жамиятимиз ҳаётида нақадар юксак аҳамиятга эга эканини кўрсатмоқда.

Зеро, **Конституция — давлатнинг Бош қонуни**, шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларини тартибга соладиган бош ҳужжат. Ўзбекистонда қабул қилинадиган ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат — қонун, фармон, қарор ёки бошқа идоравий ҳужжатларнинг барчаси, аввало, Конституцияга асосланади, унинг мазмун ва кўрсатмаларидан келиб чиқади. Бу эса ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси ва талабидир.

Изчил ислоҳотларнинг мантиғи

Кейинги саккиз йил давомида жамиятимиз ҳаётининг **барча жабҳаларида туб ўзгаришлар** кечмоқда. Аҳолининг манзилли **ижтимоий ҳимоя** тизими яратилди, иқтисодиёт эркинлашиб, **хусусий мулк** эгалари кўпайди, маданий ҳаётимизда, спорт соҳасида **ёшларимизнинг ютуқлари** кундан кунга ошиб, **парламентаризм** ва суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам демократик ўзгаришлар юз берди. Фуқароларнинг **ҳуқуқий онги** юксалиб, давлат органлари устидан **таъсирчан жамоатчилик назорати** йўлга қўйилган. Натижада, халқимизнинг ислоҳотларга мустаҳкам ишончи шаклланди.

Инсон шаъни ва қадрини янада юксалтириш давлат сиёсатининг бош тамойили сифатида белгиланган Ўзбекистондаги кўлами кенг, шиддати баланд, самараси юксак демократик янгиланишлар **халқимиз манфаатларини собитлик билан таъминлаш**, она ватанимиз нуфузини халқаро майдонда ҳам мустаҳкамлаш йўлида **узоқни кўзлаб юритилаётган оқилона сиёсатнинг ҳаётда натижадор эканига** ҳар қандай киши амин бўлади. Шу каби ютуқлар, яратилган эркинлик ва ҳуқуқлар, тизимли ислоҳотларни амалга ошириш механизми ва халқчил сиёсатнинг давомийлигини таъминлаш учун бу изчил ислоҳотлар мантиғини, албатта, **Конституцияда ҳуқуқий жиҳатдан муҳрлаб қўйиш талаб этилар** эди. Бошқача айтганда, айнан Конституциямиз шиддат билан ўзгараётган замондан орқада қолиб кетмаслиги, тизимли ва кенг миқёсли янгиланишларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилиши, тинч ва осуда ҳаётимизнинг кафолати бўлиши учун ҳам конституциявий ислоҳотлар ўтказилди.

2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси янги таҳрирда** фуқароларнинг мутлақ кўпчилиги томонидан ёқлаб овоз бериш орқали қабул қилинганди. Конституциявий ислоҳот натижасида Бош қонунимизнинг моддалари сони **128 та**дан **155 та**га, унинг нормалари миқдори эса **275 та**дан **434 та**га кўпайди, Конституция матни қарийб **65 фоиз янгиланди**. Бу Бош қонунимизда халқимизнинг **янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича орзу-умидлари ва интилишлари ўз аксини топганини ёрқин намоён** қилди.

Инсон манфаатининг барча нарсадан устунлигини муҳрлаган Конституция

Бугунги Ўзбекистон нафақат иқтисодиёти жадал ривожланаётган **йирик давлатга** айланмоқда, балки аҳолиси сони **2040 йилга** бориб, **50 миллион**га етиши кутилаётган нуфузли мамлакат ҳамдир. Ана шу маънода Конституцияга киритилган янги норма ва принциплар мазмунида фуқароларимиз муносиб ҳаёт кечириши йўлида қулай шарт-шароит ва мустаҳкам ҳуқуқий замин яратиш учун **барқарор иқтисодиёт, хавфсиз давлат, самарали бошқарув, ижтимоий кафолатлар** яққол акс этади.

Давоми 3-бетда

1 декабрь – Қорақалпоқ тили куни

ТИЛ – ҲАР БИР ХАЛҚНИНГ ЮРАГИ, РУҲИЙ ҚУВВАТ МАНБАИ

Бу йил Қорақалпоғистон Республикасининг “Давлат тили ҳақидаги” қонуни қабул қилинганига 35 йил тўлди

Тил миллатнинг кўзгуси, дея бежиз айтишмайди. Сўз халқнинг характери, унинг ўтмиши ва келажаги ҳақида аниқ маълумот берадиган қудрат касб этади. Қорақалпоқ тили ҳам бу диёрнинг кенгликлари каби ўз жозибаси, сеҳрига эга. Чунки у ҳам катта оила — туркий тиллар сирасига киради.

Биламизки, туркий тиллар доим бир-биридан қувват олган. Бугун ўзбек ва қорақалпоқ халқи ҳам ўзаро ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва оғизбирчиликдан қувватланиб, янги ҳаёт бунёд этиш йўлидан дадил бормоқда.

Бунинг катта асоси бор. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бундан саккиз йил олдин: **“Мен нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзандиман!”**, дея Қорақалпоғистонда ҳаётбахш ислоҳотларни бошлаб берган эди. Бу сўзлар кейинчалик бир бутун халқ, ягона ватан бўлишдай ҳаётбахш ғояга замин яратди.

Давоми 2-бетда





Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг жорий йил 20 ноябрь куни бўлиб ўтган мажлисидаги нутқида Президентимиз экология ва иқлим ўзгариши масалаларига тўхталиб, ҳаво ва сув ифлосланиши, тупроқ эрозияси, чўлланиш, қазилма ёқилғиларни беҳисоб ишлатиш глобал исишга, табиий офатлар кўпайишига олиб келаётгани, атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига зарар етказилаётганини қайд этиб ўтди.

“ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ – ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК САРИ МУҲИМ ОДИМ



Давлатимиз раҳбари эл-юртимизнинг фикр-мулоҳазалари, хоҳиш-истакларини атрофлича ўрганиб, билдирилган тавсиялардан келиб чиққан ҳолда бу борадаги ишларни янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида 2025 йилни юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилишни таклиф этди.

Мазкур таклиф мамлакатимизда экологик муаммоларни ҳал этиш ва барқарор ривожланишни таъминлаш борасида муҳим қадамдир. Ушбу ташаббус нафақат экологик муаммоларни ҳал қилиш, балки иқтисодий ўсишни янада барқарор ва яшил йўналишда амалга оширишга қаратилган.

Давоми 4-бетда

Кўчат экиш, боғ яратиш халқимизнинг азалий қадриятларидан. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бошлангунча аҳоли ўз хоҳиши билан дарахт эккан бўлса, ҳозир кўчат экиш, боғ яратиш имконияти бор ҳар бир фуқаронинг ватан, табиат олдидаги мажбуриятига айланмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 30 ноябрь, 244-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

1 декабрь – Қорақалпоқ тили куни

ТИЛ – ҲАР БИР ХАЛҚНИНГ ЮРАГИ, РУҲИЙ ҚУВВАТ МАНБАИ

Бу йил Қорақалпоғистон Республикасининг “Давлат тили ҳақидаги” қонуни қабул қилинганига 35 йил тўлди

Бошланиши 1-бетда

Шу ўринда Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Кенгесбой Каримовнинг қуйидаги мисралари ёдга тушади.

“Сўз уммонин ўктам дарғаси,
Замон оша ортар ҳаваси,
Қўллаб турар бизни нафаси,
— Ким у? — айтай, Навоий ҳазрат”.

Дарҳақиқат, ўзбек ва қорақалпоқ бир дарёдан сув ичган, туб илдизи бир бўлган халқлар ҳисобланади. Шу боис, қорақалпоқ ижодкорлари ҳам бошқа туркий миллатлар қатори ҳазрат Навоийдан сабоқ олиши табиий. Ўз ўрнида ўзбек бахшилари, ижодкорлари оқинлардан илҳомланиб, қорақалпоқ тилигагина хос жозибадорликдан ҳайратланган ҳам бор гап. Бундай уйғунлашув тилнинг яшовчанлигини оширади.

Бугун ер юзида 7 мингга яқин тил бор. Шулардан 200 тасигина давлат ёки расмий тил сифатида эътироф этилган. Бу тилларнинг ичида қорақалпоқ тили ҳам борлиги қувонарли. Жамиятимиздаги миллатлар ва динлар ўртасидаги аҳиллик ва ҳамжиҳатлик сабаб бугун қорақалпоқ тили янада ривожланиб, такомиллашиб бормоқда.

Куни кеча, 29 ноябрь куни Тошкентда қувончли тадбир бўлиб ўтди. Қорақалпоқ тили байрамига бағишланган тадбир Адиблар хиёбонидаги Бердақ ҳайкали пойига гул қўйиш билан бошланиб, маърифий кечага уланиб кетди. Унда ижодкорлар билан бирга, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, талаба ёшлар иштирок этди.

Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид қорақалпоқ эли, она тили ва адабиётини янада ривожлантириш йўлида хайрли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани ҳақида тўхталди. Жумладан, 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари”нинг 5 жилдидан қорақалпоқ адабиёти асарлари ўрин олганига алоҳида урғу берди. Айни пайтда 16 жилдлик “Қорақалпоқ адабиёти дурдоналари” нашрга тайёрланаётгани айтиб ўтилди.

Тил — ҳар бир халқнинг юраги, руҳий қувват манбаи ҳисобланади. Шу билан бирга, халқларнинг барҳаётлигини белгиловчи муҳим омилдир. У маданиятларнинг белбоғи ҳамдир. Умумтуркий маданиятнинг, адабиётнинг пойдевори яратилишида қорақалпоқ тилининг ўрни беқиёс. Шу сабабли бу байрам умумтуркий элнинг байрамидир.

Тадбирда сўзга чиққан зиёлилар она тилимизга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганига урғу берди. Биргина қорақалпоқ тилидаги янги дарсликлар билан қўлланмалар, бадиий китоблар нашрдан чиқарилаётгани, Ибройим Юсупов номидаги қорақалпоқ тили ва адабиёти фанини чуқур ўргатишга ихтисослашган ижод мактабининг очилганини қайд этиш мумкин. Бу мактаб ўқувчилари ўз она тилини янада пухта ўрганишига, уни кенг миқёсда тарғиб этишга хизмат қилади.

Юртимиз тараққиётнинг янги даврига қадам қўяётган бир пайтда “Янги Ўзбекистон” газетасидаги айрим мақолаларни, yuz.uz сайтидаги барча ахборот ва мақолаларни қорақалпоқ тилида ўқиш имконияти яратилганини ҳам қайд этиш керак. Бу ҳам, бизнинг ягона ватан эканимиздан далолат, аслида.

— Она тили давлатнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий жиҳатдан ривожланишида жуда катта аҳамият касб этадиган улуғ қадрият ҳисобланади. Шу боис, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб қорақалпоқ тилини ривожлантиришга, уни бойитиш ва тоза ҳолатда келажак авлодга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди, — дейди ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-текшириш институтининг Қорақалпоқ тили бўлими бошлиғи, филология фанлари доктори, профессор, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Айтмурат Алниязов.

Дунёда ҳар бир инсоннинг ўз дунёқараши, олами бўлгани каби, ҳар бир тилнинг ўзига хослиги бор. Бугунги кунда бой маданий тарихга эга



қорақалпоқ тили ҳам башариятнинг бойлигидир. Бир ўзандан сув ичган, бир-бири билан эт-тирноқ бўлган ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг тилини ҳам айро тасаввур қилиб бўлмайди.

— Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги оғизбирчилик қон-қардошлигимизда, мақсад-муддаоларимизнинг бирлигида намоён бўлмоқда, — деди ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори, таниқли тилшунос олим Низомиддин Маҳмудов. — Ўзбекистон Фанлар академиясининг филиали Нукусда ҳам бор. Унда тилшуносликка оид тадқиқотлар олиб борилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан тилларни тараққий эттириш, уларнинг ўзаро муносабати, ривожи билан боғлиқ кўп хайрли ишлар қилинмоқда. Буларнинг бари мамлакатимизда тинчлик, ижтимоий барқарорлик, осойишталик, ҳамжиҳатликни таъминлашда яққол намоён бўлади.

Тил бирлиги — дил бирлигидир, деб бежиз айтилмаган. Юртимиздаги улкан ислоҳотлар дастлаб Қорақалпоғистондан бошланиб, бутун республикамизда кенг қулоч отмоқда. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил 10 ноябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманида бўлиб ўтган сайловолди учрашувида истиқболдаги режалар ҳақида тўхталиб: **“Бундан буён ҳар бир туман ва шаҳарга, керак бўлса, чекка-чекка қишлоқ ва овулларгача кириб борамиз. У ерда истиқомат қилаётган одамларнинг дардини эшитамиз, муаммоларини ҳал қилишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқамиз ва ижросини қатъий назоратга оламиз”,** деган эди. Бугун ушбу режалар ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топди. Оролнинг қуриган тубига экилган дарахтлар саҳрога ҳаёт бағишлади. Улкан ишлаб чиқариш корхоналари, минглаб иш ўринлари яратилди. Ижтимоий ёрдам тубдан яхшиланиб, Қорақалпоғистоннинг энг олис овул ва маҳаллаларида ҳам масалаларга ечим ўша жойнинг ўзида топиладиган, одамларни рози қиладиган тизим яратилди.

Юртимиз бугун янги даврга қадам қўймоқда. Шундай тарихий жараёнда бағрикенглик, мамлакатимиз истиқболи учун бирлашиш, оқинлар айтмиш: оғизбирчилигимиз доимгидан ҳам муҳим.

Биз эса сўзимизни Ибройим Юсуповнинг “Она тилимга” шеъридан бир узинди билан ясашга қарор қилдик:

Она тилим, мен ҳам сенга доирман —
Сен борлигинг учун куйчи шоирман.
Шунча қаттол сургунларда суринмай,
Шу кунларга етганингга қойилман.

Сардор ТОЛЛИБОЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Камбағалликдан фаровонлик сари

БИЛИМ ВА ҲУНАР – ЯГОНА ЧОРА

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш сиёсати янги босқичга кўтарилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги фармонига асосан, 2024 йил якунига қадар 500 минг, 2025 йилда эса 1 миллион кишини камбағалликдан чиқариш давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг ва барча даражадаги давлат органлари ҳамда ташкилотларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Музработ туманида ҳам қатор амалий ишларга киришилган.



— Ҳозир туманимизда 37 та маҳалла мавжуд. Уларда яшовчи 1451 та камбағал оила танлаб олинган ва секторлар бўйича тақсимланган. 1-сектор ҳудудига 8 та маҳалладан 117 та камбағал оила танлаб олиниб, 67 та ташкилот раҳбарходимига бириктирилган. Айни пайтда индивидуал дастур ишлаб чиқилиб, манзилли ишлар бажарилмоқда, — дейди Музработ тумани ҳокимлиги мутахассиси Элмурод Ибрагимов.

Масалан, Марказий банк Сурхондарё вилояти бош бошқармаси раҳбар-ходимларига “Дўстлик” МФЙдаги 15 та хонадонда яшовчи фуқаролар бириктирилган. Камбағалликдан чиқариш мақсадида улар шу кунга қадар тўлиқ хатловдан ўтказилди. Масъуллар рўйхатдаги фуқароларнинг яшаш шароити билан тўлиқ танишиб чиққач, уларни қийнаб келаётган муаммоларни босқичма-босқич ҳал этишга кўмак бермоқда.

— Президентимизнинг “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги фармони ҳамда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижроси доирасида туманимизда кўплаб тизимли ишлар бажарилмоқда, — дейди банк ходими Қаюм Абдураупов. — Туманда бу борада 7 та йўналиш бўйича вазифалар белгилаб берилган. Ҳудудда камбағал оилалар рўйхати шакллантирилган. Ана шу оилаларнинг ҳар бири вилоят ва туман секторлари ҳамда вилоят ва туман ташкилотлари раҳбарларига бириктириб берилди. Улар “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижроси доирасида “маҳалла еттилиги” билан ҳамжиҳатликда аниқ тузиб чиқилган чора-тадбирлар асосида ишламоқда. Камбағаллик даражаси туманимизда сезиларли тушган. Туман ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган штабда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижроси доирасида кунлик мониторинг юритиб борилади. Камбағаллик даражасидаги, эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган, миграциядан қайтган, банд бўлмаган фуқароларнинг иш билан таъминланиши электрон шаклда кузатиб борилади.

Фармон доирасида жорий йил 1 ноябрдан бошлаб, “Камбағал оилалар учун еттита имконият ва масъулият” тамойили асосида барқарор бандлик, юқори даромад топишга эришиш, таълим олиш ва касб-ҳунар ўрганиш, кафолатланган давлат тиббий хизмати ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш, яшаш шароитини яхшилаш, давлат томонидан маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш ишлари бажарилмоқда, давлат органлари ходимлари билан тўғридан тўғри мулоқот қилинмоқда.

Камбағалликни қисқартириш йўналишида эришилган ижобий натижалар, тўпланган тажриба ҳамда илғор халқаро амалиёт асосида ҳар бир фуқаронинг ўзи, фарзандлари, келажаги учун масъулият билан ёндашишга ундайдиган, бор салоҳиятини рўёбга чиқариш учун имконият яратишга қаратилган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурининг амалга оширилиши, у бўйича ишловчи ҳудудий штаблар ташкил қилингани муз-работликларни мамнун этяпти.

Аҳолининг юқори даромадли, барқарор иш билан бандлигини таъминлаш, сифатли таълим ва тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шу боис, энг чекка ҳудудларда ҳам инфратузилма тармоқлари барпо этишни қамраб олган “кўп ўлчовли” камбағалликни қисқартириш дастури ва ёшларнинг инновацион, рақамли технологияларга асосланган таълим олиши ҳамда касб-ҳунар ўрганиши учун комплекс чора-тадбирлар кўрилмоқда.

— Туман ва шаҳарларда эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги тизим — “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” жорий этилган. Сектор раҳбарлари ва мутасадди идоралар вакиллари томонидан ҳар бир маҳалладаги ҳолат атрофлича ўрганилмоқда, — дейди “Дўстлик” МФЙ ижтимоий ходими Маҳбуба Жумаева. — Бу жараёнда ёшлар ва хотин-қизлар билан юзма-юз мулоқот қилиб, уларнинг эҳтиёжи, қизиқиши ўрганилган ҳолда зарур чоралар кўриляпти.

Инсонни энг оғир вазиятлардан билим ва ҳунар қутқаради. Бу нафақат иқтисодий, балки миллат учун тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш меҳнат бозорида кучли кадрлар, эртанги кунга ишончи баланд, ҳар қандай мураккаб вазиятлардан чиқа оладиган авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Яшил макон

КЎЧАТ ЭКИШ, БОҒ ЯРАТИШ

ҚАДРИЯТДАН МАЖБУРИЯТГА АЙЛАНМОҚДА



“Агар инсонлар табиатга нисбатан зўравонлик қилиб, унинг қонунларини қўполлик билан бузсалар, бир кун келиб, табиат уларнинг бошига шундай кулфатларни солиши мумкинки, буни ҳеч қандай куч қайтара олмас”. Абу Райҳон Берунийнинг минг йиллар олдин айтган ушбу сўзи бугун ўз исботини топмоқда.

Буни дунё бўйича озон қатлами емирилиши, музликлар эриши, чучук сув манбалари камайиши, тупроқ унумдор қатламининг йўқолиб бориши, чўлланиш, ердаги биохилма-хилликнинг камайиши, маиший чиқиндиларнинг кўпайиши, иқлим ўзгариши, Орол фожиаси, чанг-тўзонлар кўтарилиши каби экологик муаммоларда кўриш мумкин.

Шу боис, мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, “яшил майдонлар”ни кенгайтиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси ва табиий ресурсларни асраш ҳамда чиқинди муаммоларини бартараф қилиш, экологик таълимни жорий этишга қаратилган эътибор ва бу борада меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётгани фикримиз далилидир.

Табиат мусаффолиги ва иқлим мўътадиллиги, энг авало, ҳудуднинг ўсимлик дунёсига бойлиги билан белгиланади. Тирик мавжудот учун дарахтларнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Улар карбонат ангидридни ютиб, кислород чиқаради, чанг-тўзонни камайтиради, иссиқ кунда



ҳароратни мўътадиллаштиради, ерни эрозиядан сақлаб, тупроқни мустаҳкам ушлайди. Мутахассислар фикрича, яшил ўсимликлар, жумладан, дарахтлар 80 фоиз чангни ва 60 фоиз сулфат ангидридни ушлаб қолиш хусусиятига эга. Бир гектар майдондаги яшил дарахтзор бир кечакундузда 275 килограммгача карбонат ангидрид ютиб, 215 килограммгача кислород ажратади. Бу эса ўртача 500 кишини кун давомида кислород билан таъминлашга етарли экан. Шу боис, яшилликни асраш ва кўпайтириш доимо долзарб масала.

Президентимиз ташаббуси билан бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси чинакам халқ ҳаракатига айланди. Мазкур лойиҳа доирасида йилига 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатини экиш белгиланган. Жумладан, жорий йилнинг кузги мавсумида 80 миллион туп дарахт ва бута кўчати экиш режалаштирилган.

Биргина Жиззах вилоятида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси туфайли яшил майдонлар ҳудуди 8 фоиздан 15 фоизга етказилди. 2030 йилгача ушбу кўрсаткични 30 фоизга етказиш режалаштирилган.

Ўтган уч йилда вилоят бўйича 59,4 миллион туп дарахт ва бута кўчати экилиб, yashilmakon.eco платформасига киритилди. Жорий йил куз мавсумида эса 6 миллион 337 минг туп манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатини экиш режалаштирилган. Илмий тавсиялар асосида ҳудудларнинг иқлим ва тупроқ шароитига мос келадиган дарахт кўчатларини экиш бўйича ер майдони, кўчат тури, экиш ва парваришлаш учун масъулларни бириктириш, суғориш тизими ва молиялаштириш манбаларини аниқ кўрсатган ҳолда шаҳар ва туманлар манзилли дастурлари тасдиқланган. Умуммиллий лойиҳанинг кузги мавсумини самарали ўтказиш мақсадида етарли миқдорда кўчатлар захираси шакллантирилган ва бугун белгиланган режа қарийб тўлиқ бажарилган.

— Жорий йилда вилоятнинг 11 та ҳудудида 23,1 гектар майдонида “яшил боғ”, 81,3 гектар ерда 16 та “яшил жамоат парки” барпо этиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниб, айни пайтда лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда, — дейди Жиззах вилояти экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бошлиғи Эркин Холматов. — Бундан ташқари, 20,8 гектарда “Янги Ўзбекистон” боғлари барпо этилиб, 18 минг тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчати экилди. Вилоятдаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида жами 201 та “маҳалла боғи” барпо этилиши режалаштирилган. Жорий йил куз мавсумида 108 та “маҳалла боғи” ташкил қилинмоқда.

Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов, Зарбдор ва Ғаллаорол туманларидаги жами 10,2 километр масофада ҳамда атроф-муҳитга таъсири юқори бўлган 375 та саноат ва ишлаб чиқариш корхонаси ҳудудида 119 минг 800 туп кўчат экилиб, “яшил белбоғ” ташкил этилди.

Жорий йил илк бор “Очиқ бюджет” портали орқали ўтказилган “Менинг боғим” лойиҳаси биринчи мавсумида вилоятдан ғолиб бўлган Мулкуш, Ғалаба, Узун, Мустақиллик, Нуробод, Хонбанди, Совот, Бунёдкор, Зилол, Алишер Навоий, Тоқчилик, Янги бўстон маҳаллаларида янги боғлар барпо этилади. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун бюджетдан 3,25 миллиард сўм ажратилган.

— Илгари фақат баҳор фаслида кўчат экардик. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бошлангач, кузда ҳам кўчат экиш анъанага айланди, — дейди Фориш тумани Ухум қишлоғида яшовчи Келдиёр Саидов. — Эътиборлиси, давлатимиз раҳбари ҳар йили ўзи шахсий намуна кўрсатиб, кўчат экиш тадбирларида фаол иштирок этади. Ушбу эзгу ташаббус ижобий самара бермоқда. Олдинлари Жиззахдан Мирзачўлгача бўлган йўл ёқасини янтоқ босиб ётарди. Ҳозир шу йўлдан юрсангиз, баҳри дилингиз очилади. Кейинги уч йилда мевали ва манзарали дарахтлар бўй кўрсатган, баъзи жойларига беда, баъзи жойларига полиз экинлари экилган. Мана шундай йўл ва каналлар ёқалари ташаббускорларга берилса, олган одам ҳам даромад топади, ҳам мамлакатимизни кўкаламзорлаштиришга ҳисса қўшади. Ўзим ҳам боғ яратиш, дарахт экиш, пайвандлашга қизиқаман. Томорқамда юзлаб мевали ва манзарали дарахтим бор. Уларнинг кўпини раҳматли отам, боболарим экиб кетган. Билишимча, экилган дарахтнинг нафақат мевасидан, ҳатто соясидан кимдир ёки бирор жонзот баҳраманд бўлса, савоби эккан кишига бориб тураркан. Дарахт экиш савобли иш эканини шундан ҳам билса бўлади. Қишлоғимизда минг йиллик тут дарахтлари бор. Энди уларни эккан, пайванд қилган, ўстирган инсонларга савоб ёзилишини тасаввур қилаверинг. Биз аждодларимиз эккан дарахтлардан фойдаланяпмиз, фарзандларимиз биз эккан дарахтлардан баҳраманд бўлиши учун кўчат экишимиз шарт. Бунинг учун ҳам саломатликка, ҳам экологияга фойдали бўлган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида фаол қатнашиш кифоя.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси мамлакатимизни яшилликка буркашга хизмат қилиш билан бирга, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, камбағалликдан чиқариш, даромадли қилишда ҳам муҳим омил бўлмоқда. Мисол учун, Фориш туман ҳокимлиги ва Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси ҳамкорлигида Хонбанди маҳалласида Ижтимоий ҳимоя реестридаги оилалар учун “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида 3 гектар ерда янги боғ ташкил этилмоқда. Ушбу боғда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳашар ташкил этилиб, кўчат экилди. Мазкур боққа сув чиқарилиб, томчилатиб суғориш технологияси жорий этилди. Атрофи ўралмоқда. Белгиланган барча ишлар якунлангач, фойдаланиш учун Ижтимоий ҳимоя реестрига киритилган оилаларга бўлиб берилади.

Ғаллаорол тумани Мирзабулоқ маҳалласида ҳам “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 10 гектар ерда эртапишар гилос кўчати экилди. Боғ ёшларга деҳқон хўжалиги сифатида бўлиб берилиши белгиланган. Ниҳоллар ҳосилга киргунча ёшлар оралиқ экинлари экиб фойдаланади.

— Ишсизлигим туфайли чет элга бориб ишламоқчи бўлдим. Аммо ота-онам шу ердан сенга иш топиб берамиз деб рухсат бермади. Бир куни маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси чақириб суҳбатлашди. Ишга таклиф қилди. Имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик билан шуғулланишим мумкинлиги, яна озгина сабр қилсам, бир гектар ер олиб боғдорчилик ва деҳқончилик билан шуғулланишимга имконият пайдо бўлишини айтди. Боғдорчилик ва деҳқончиликка қизиқишим туфайли учинчи вариантни танладим. Мана, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, мен қатори ёшларга бериладиган ерга ҳашар йўли билан эртапишар гилос кўчатлари экилди. Ушбу ер мен каби 20 тенгдошимга бўлиб берилди. Бу биз, ишсиз ёшларга катта имконият. Кўчатларимиз ҳосилга киргунча орасига донли ва полиз экинлари экиб фойдаланмоқчимиз. Мусофирчиликда ишламаган бўлсам ҳам машаққатини яхши биламан. Энг муҳими, юртимизда, оиламиз бағрида меҳнат қилиб, даромад топиш имконияти яратилганидан хурсандмиз, — дейди Мирзабулоқ маҳалласида яшовчи Одил Иброҳимов.

Кўчат экиш, боғ яратиш халқимизнинг азалий қадриятларидан. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бошлангунча аҳоли ўз хоҳиши билан дарахт эккан бўлса, ҳозир кўчат экиш, боғ яратиш имконияти бор ҳар бир фуқаронинг ватан, табиат олдидаги мажбуриятига айланмоқда. Аҳамиятлиси, буни тўғри англаган юртдошларимиз мамлакатимизни яшилликка буркаш ишларида фаол иштирок этмоқда. Энди экилган кўчат ва ниҳолларни парвариш қилиш, вақтида суғориш талаб этилади. Бу борада ҳар бир дарахтни парвариш қилиш учун масъул бириктирилгани кўнгилни хотиржам қилади.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz.uznews yuz

НИГОҲ | 3

2024 йил 30 ноябрь, 244-сон

Хусусан, 2023 йилнинг 9 ойида Олий судга процессуал тартибда келиб тушган шикоятлар сони 24 мингдан зиёдроқни ташкил этган бўлса, 2024 йилнинг шу даврида айни кўрсаткич 10 мингтадан кўпроққа камайган, яъни 13 минг 624 тани ташкил этган.



8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Бахтиёр ИСЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

Бошланиши 1-бетда

Агар асосий конституциявий янгиликларнинг мазмуни ва моҳиятига қарасак, янги таҳрирдаги Конституцияга қуйидаги ғоя ва қоидаларни акс эттирувчи қатор муҳим ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганини кўрамиз.

Биринчидан, улар **инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият** деб тан олган Ўзбекистоннинг **кўп миллатли халқининг иродаси**ни рўёбга чиқаришга қаратилган тузатишларни ўз ичига олади. Бунинг учун **давлат** ва **жамият тараққиёти мафкураси**, **Ўзбекистон халқининг конституциявий-ҳуқуқий ижодкорлигининг ўзига хослигини акс эттирувчи конституциявий қадриятлар** белгиланди.

Янгиланган Конституция **муқаддимасида** миллий давлатчиликни такомиллаштиришнинг янги босқичида **Ўзбекистон конституциявий тараққиётининг устувор йўналишлари** белгилаб берилди. Хусусан, **инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, миллий ва умуминсоний қадриятлар**, давлат суверенитети принципларига **содиқлик**, демократия, **эркинлик ва тенглик, ижтимоий** адолат ва **бирдамлик ғояларига садоқатни намоён қилиш**, **инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очиқ ва адолатли жамиятни** барпо этиш кўзланган. Шунингдек, **жаҳон ҳамжамияти**, **энг аввало, қўшни давлатлар билан** ҳамкорлик, ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаш, тинчлик ва тотувлик асосидаги **дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини, миллатлараро** ва **конфессиялараро тотувликни**, кўп миллатли жонажон Ўзбекистонимизнинг фаровонлиги ва гуллаб-яшнашини таъминлаш каби муҳим янги конституциявий ғоя ва мақсадлар ўз аксини топди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми ва давлат шаклига оид **мустақил, демократик, суверен давлат** сифатидаги **давлат-ҳуқуқий мақомини мустаҳкамловчи** янги конституциявий принциплар белгиланди. Ўзбекистон — республика бошқарув шаклидаги **суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат** деб белгиланди.

Шу билан бирга, давлатчилигимизнинг юқорида санаб ўтилган конституциявий тузумга хос бўлган барча белгиларининг барқарорлиги ва ўзгармаслиги кафолатини конституция даражасида мустаҳкамлаш мақсадида янги таҳрирдаги Конституциянинг 1-моддаси қоидалари **қайта кўриб чиқилиши мумкин эмаслиги**га оид талаб 154-моддада қатъий белгилаб қўйилди.

Учинчидан, **“давлат — жамият — инсон”** принципи ўрнига инсон манфаатлари биринчи ўринга кўтарилган **“инсон — жамият — давлат” формуласи** асос қилиб белгиланди. Масалан, Конституциямиз 1992 йилда қабул қилинганидан буён унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг аксарияти **давлат ва жамият қурилиши** — Президент, парламент, ҳукумат фаолияти, сайлов тизими ва бошқалар билан боғлиқ бўлган. Янги таҳрирдаги Конституцияга киритилган **нормаларнинг ярмидан кўпи инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини** ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш ва уни амалга ошириш механизмларини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Тўртинчидан, **Конституциямизда** давлат ҳокимияти ўз фаолиятида қонунга бўйсуниши, халқ иродасига таяниши, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлашни назарда тутувчи **ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгилари** ўз ифодасини топди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ишончли ҳимоясининг энг муҳим кафолатлари сифатида **Конституция ва қонуннинг устунлигини** таъминлашга оид замонавий **конституциявий механизмлар** мустаҳкамланди.

Жумладан, 15-моддага киритилган тузатишларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Бош қонун мамлакатнинг **бутун ҳудудида олий юридик кучга эга**, **тўғридан тўғри амал қилади** ва **ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.** 16-моддада Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва** уни ижро этиш учун қабул қилинади.

Фуқаролар ва юридик шахслар, агар суд орқали ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда кўриб чиқилиши тугалланган муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланилган **қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги шикоят билан** бевосита Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига **мурожаат қилиш ҳуқуқи** 133-моддада белгилаб қўйилди. Бу ҳуқуқлар Конституцияда белгиланиши инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг энг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлайди.

Бешинчидан, инсон ва фуқаронинг асосий **шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг конституциявий кафолатлари** сезиларли даражада кучайтирилди. Бу ўзгартиришлар янги таҳрирдаги Конституциянинг том маънода халқчил ва инсон манфаати ҳар нарсадан устунлиги муҳрланган ҳужжат сифатидаги қиёфасини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Унинг 19-моддасида Ўзбекистонда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро **ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ** эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади деб белгиланиши миллий Конституциямизни энг илғор шундай ҳужжатлардан кам эмаслигини билдиради.

Олтинчидан, Конституциянинг 20-моддаси **қонунларнинг, давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини** белгилайди. Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари **мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак**, деган конституциявий нормалар ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Жумладан, ушбу муҳим халқаро-ҳуқуқий принцип Конституциямиз ҳуқуқ ва эркинликларига оид қоидаларининг барча **ижтимоий муносабатларга бевосита тартибга солувчи таъсир**ини билдиради. Яъни **қонунчилик ҳужжати** ҳуқуқ ва эркинликларни аниқлаштириш, уни самарали амалга ошириш, механизмлари ва тартибларини белгилаш мақсадида **қабул қилинганидан қатъи назар,** Конституциядаги ҳуқуқ ва эркинликлар бевосита амал қилади деб тан олинишини англатади.

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади

Президентимизнинг бошқа мамлакатларда истиқомат қилаётган ватандошларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш зарурлиги тўғрисидаги фикрларидан келиб чиқиб, янги таҳрирдаги Конституцияда акс этган, давлатнинг фуқаролар олдидаги масъулиятини кучайтиришга қаратилган қатор янги конституциявий нормалар Бош қонунимизнинг ўзига хослигини таъминлайди.

Масалан, 23-моддага кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароси **Ўзбекистондан ташқарига мажбурий чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга бериб юборилиши мумкин эмас**. Давлат **хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларни сақлаб қолиш** ҳамда **ривожлантириш** тўғрисида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ғамхўрлик қилади. Бу эса фуқаролар ҳимоясининг давлат кафолатларини мустаҳкамлайди, шунингдек, **хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларни ривожлантириш**, **халқаро майдонда Ўзбекистон Республикасининг ижобий имижини** шакллантириш учун ҳуқуқий шароитлар яратишга хизмат қилади.

Конституциямизда яшаш ҳуқуқи **ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади**, **Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади** деб белгиланди. Гарчи Ўзбекистон қонунчилигига **2008 йилда** ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги норма киритилган бўлса-да, бу тақиқ илк бор Конституция даражасида мустаҳкамланди. Бундай қоидаларнинг Конституцияга киритилиши билан уларнинг мақоми оширилди, эндиликда улар конституциявий норма бўлди ҳамда улардан воз кечиш ёки орқага қайтишнинг бўлмаслиги кафолатланди. 26-моддада **инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиз экани, ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги** белгиланди.

Муҳим жиҳатлардан яна бири бу — **инсон**, жумладан, қонунни бузганларнинг **ҳуқуқларини** давлат органлари, мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ўзбошимчаликларидан **ҳимоя қилишнинг** деярли **барча замонавий усулларини** ўзида мужассам этган ишончли механизмлар мустаҳкамланишидир.

Конституцияга киритилган тузатишларга мувофиқ, **инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолатлари**, шу жумладан, **“хабеас корпус”** ва **“Миранда қоидаси”** умумэътироф этилган институтларини конституциявий даражада мустаҳкамлаш орқали сезиларли кучайтирилди.

> **“ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ “СУД ТИЗИМИ МУСТАҚИЛ БЎЛМАС ЭКАН, ЖАМИЯТИМИЗДА РИВОЖЛАНИШ БЎЛМАЙДИ”, ДЕГАН ФИКРНИ ҲАМИША ТАКРОРЛАШИ БЕЖИЗ ЭМАС. ЧУНКИ СУД ИДОРАСИГА ИШИ ТУШГАН ҲАР БИР ШАХС УШБУ ДАРГОҲДА ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОР ЭКАНИГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ.**

Конституция “Янги Ўзбекистон — янги суд” тамойилининг бош мезони

Мамлакатимизда **инсон манфаатлари йўлидаги кенг қамровли янгиланишларнинг** муҳим йўналиши ҳисобланган **суд-ҳуқуқ тизимидаги стратегик ислоҳотлар самарасини таъминлашда янги таҳрирдаги Конституция норма ва принциплари ҳал қилувчи аҳамиятга эга**. Ўзбекистон Президентининг суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларига бағишланган йиғилишдаги **“Асосий мақсадимиз фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни том маънода “адолат қўрғони”га айлантиришдан иборатдир”,** деган концептуал фикри мазкур соҳадаги ислоҳотларнинг асосий мазмунини акс эттиради. Мана шундай улуғвор ислоҳотлар пойдеворини, шубҳасиз, Бош қонунимизда белгиланган принцип ва нормалар ташкил этади.

Янги таҳрирдаги Конституцияда **суд ҳокимиятига** бағишланган алоҳида XXIII боб мавжуд бўлиши ва унинг 130-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан **мустақил ҳолда иш юритадиган суд ҳокимиятининг конституция даражасида институционал механизмларини** белгилаб беради. Конституциямизнинг 11-моддасидаги “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади”, деган принцип амалда бўлишини таъминлайди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг суд ҳокимиятига бағишланган бобидаги 11 та моддада одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилиши, суд ҳокимиятининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суд қарорлари барча учун мажбурийлиги, судья ва оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлаш, судьянинг муайян ишни кўришдаги ваколатлари ҳамда судлар фаолиятини молиялаштириш каби 30 дан зиёд муҳим конституциявий норма мустаҳкамланди. Буларнинг барчаси **судьялар мустақиллиги, одил судлов тизимини демократлаштиришнинг конституциявий асослари** қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим шартлари сифатида сезиларли даражада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Конституциянинг 136-моддасида судьялар дахлсиз ва **муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмаслиги,** давлат **судьянинг** ва **унинг оила аъзоларининг хавфсизлигини** таъминлаши белгиланди, 140-моддада судларнинг фаолиятини молиялаштириш фақат **давлат бюджетидан амалга оширилиши** ҳамда у **одил судловни тўлиқ ва мустақил бажариши** имкониятини таъминлаши кераклиги тўғрисидаги нормалар мустаҳкамланди.

Суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллигини таъминлашга, тизим ходимларининг моддий-техник базасини яхшилашга юксак даражада эътибор қаратиб келинмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллиги муносабати билан “Янги Ўзбекистон” боғида бўлиб ўтган байрам тантанасида Президентимиз халқимизни бу улуғ айём билан табриклаб, барча ислоҳотларимизнинг руҳи ва мазмунига **“Инсон қадри учун, эл-юрт бахти учун**!” деган эзгу ғоя чуқур кириб бораётганлигини қайд этди. Янги Ўзбекистонни барпо қилишда асосий эътиборни бешта устувор йўналишга қаратиш, жумладан, коррупциядан холи, адолатли суд тизимини яратиш зарурлигини ҳам алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари **“Суд тизими мустақил бўлмас экан, жамиятимизда ривожланиш бўлмайди”,** деган фикрни ҳамиша такрорлаши бежиз эмас. Чунки суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Янги Ўзбекистонда ҳар қандай баҳсли масалага адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилиши керак. Бу борада судлар томонидан конституциявий нормалар тўғридан тўғри ва бир хилда қўлланилиши орқали инсон ҳуқуқларига оид кафолатларни тўлақонли таъминлаш мақсадида Олий суд пленумининг **“Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”**ги қарори қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Жумладан, Олий суд пленумининг мазкур қарорига мувофиқ, 2023 йил 1 майдан жорий йилнинг 1 ноябрга қадар судлар томонидан **34 минг 626 та** жиноят иши ва материалида, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид **63 минг 328 та** иш ва материалда, **34 минг 429 та** фуқаролик ишида, **39 минг 448 та** иқтисодий ишда, шунингдек, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган **10 минг 388 та** маъмурий ишда, жами **182 минг 219 та** иш ва материалда янгиланган Конституция нормалари тўғридан тўғри қўлланилди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 55-моддасидаги **“Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади”,** деган қоидаларни ҳаётга татбиқ қилиш барча босқичдаги судларнинг бош вазифасига айланган.

Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги фармони билан **тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳам суд тизими учун “Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш” йўналишида** 18 та аниқ вазифа белгилаб берилди. Суд ислоҳоти доирасида ҳал қилувчи аҳамият касб этган яна бир муҳим ҳужжат Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 16 январда қабул қилинган “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳисобланади. Ушбу ҳужжат билан **2023-2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси** тасдиқланди. Унинг асосий вазифаси **“Инсон қадри учун”** ғояси асосида **“Янги Ўзбекистон — янги суд”** тамойили доирасида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон қадр-қимматини самарали ҳимоя этишга йўналтириш бўлиб, унда адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг, жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини кўришига эришиш каби 40 та аниқ вазифа белгилаб берилди.

Соҳанинг ҳуқуқий асослари жадал ривожланишини қуйидаги рақамларда ҳам кўришимиз мумкин. **2017-2024 йилларда Олий суд томонидан 275 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси, шу жумладан, 177 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.** Натижада шу даврда суд тизимига оид 60 дан ортиқ қонун, фармон ва қарор қабул қилинди. **Судларнинг молиявий мустақиллиги кучайтирилди.** Суд ҳокимияти мустақиллиги принципига риоя қилиш, судларни моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш масалаларини мустақил ҳал этиш мақсадида Олий суд ҳузуридаги **Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти** ташкил қилинди.

Суд ишларини юритишда янги институтлар киритилди, мавжудлари такомиллаштирилди. Жиноят процессида **ярашув институти** кенгайтирилди, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида алоҳида судьялар — **тергов судьялари** лавозимлари киритилди, жиноят иши бўйича **дастлабки эшитув**, фуқаролик ва иқтисодий судларда **судгача мажлис, соддалаштирилган тартибда иш юритиш, медиация** институтлари жорий қилинди. Инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш тизими изчил такомиллаштирилмоқда. Хусусан, жиноят иши юритувида инсонпарварлик тамойиллари асосида **“Хабеас корпус”** институтини янада кенг татбиқ этиш мақсадида 2025 йил 1 январдан тергов судьялари институтини миллий амалиётга жорий қилиш белгиланди.

Судларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Судлар фаолияти ҳақида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш мақсадида ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва ўринбосарлари томонидан **брифинглар ўтказиш амалиёти** йўлга қўйилган. Қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳияти суд процесси иштирокчиларига **тушунтириляпти.** Судлар чиқарган **қарорлар Олий суд веб-сайтида** мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда. Олий судда Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази ҳамда вилоят суди ва унга тенглаштирилган судларда матбуот хизматлари ташкил этилгани **аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш ва суд ҳокимияти очиқлигини ошириш** йўлида кўрилган муҳим чора бўлди. Судлар фаолиятига замонавий технологиялар кенг жорий этилмоқда. Судларда ишларни кўриб чиқишда адолатни, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш учун **“Электрон одил судлов”** тизими татбиқ қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида суд қарорлари қонуний, асосли ва адолатли қабул қилинганини текширишнинг **фуқароларга қулай ва соддалаштирилган тартибини** яратиш бўйича белгиланган топшириққа асосан, амалдаги процессуал кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга оид қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Процессуал кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунлар 2023 йил 25 декабрь куни Ўзбекистон Президенти томонидан имзоланиб, 2024 йил 1 январдан амалга киритилди. Кодексларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга биноан суд қарорларининг қонунийлигини, асослилигини ва адолатлилигини текшириш механизмлари такомиллаштирилди. Фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини янада ошириш, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини янада кенг ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган **суд қарорларини қайта кўришнинг янги тартиби жорий этилди**.

Натижада биринчи ва кейинги инстанцияларда кўрилган ишлар вилоят тафтиш инстанциясида кўриб чиқилиши туфайли Олий судга шикоят билан келувчи фуқаролар сони кескин камайди.

Хусусан, 2023 йилнинг 9 ойида Олий судга процессуал тартибда келиб тушган шикоятлар сони 24 мингдан зиёдроқни ташкил этган бўлса, 2024 йилнинг шу даврида айни кўрсаткич 10 мингтадан кўпроққа камайган, яъни 13 минг 624 тани ташкил этган.

Мухтасар айтганда, жамиятнинг барча қатламлари манфаатлари инобатга олинган янги таҳрирдаги Конституциямиз мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлаш масъулиятини, давлатнинг ҳам халқ олдидаги мажбуриятини бир неча баравар оширди.

Янгиланган Конституцияга сингдирилган “инсон манфаати ҳар нарсадан устун” мезони бугун амалда ўз ифодасини топмоқда.

Давлатимиз раҳбари суд соҳаси вакиллари учун энг муҳим вазифалар сифатида белгилаб берган, халқимиз кутаётган адолатли қарорлар қабул қилишга ҳар томонлама қодир, иродаси мустаҳкам, юксак касб ва маънавий фазилатларга эга суд ходимлари таркибини шакллантириш, судьяларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида бу борадаги ишларни маҳалла, корхона ва ташкилотларда сайёр суд мажлисларида кўриш кўламини кенгайтириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, суд қарорлари ижросини сўзсиз таъминлаш, одил судловга эришиш бўйича мунтазам иш олиб борамиз.

Бош мақсадимиз халқимизни суд ҳокимиятидан рози қилишдир.

Шунинг учун биз барчамиз халқимиз тақдири ва эртанги кунини белгилаб берган бош ҳужжатимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг норма ва принципларини оғишмай рўёбга чиқаришга масъулмиз.

2024 йил 30 ноябрь, 244-сон

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН







“ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ – ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК САРИ МУҲИМ ОДИМ

“Яшил” иқтисодиёт инновацион ва экологик тозаликка асосланган модель ҳамдир, чунки энергия ва ресурслардан самарали фойдаланиш жараёнларини ишга солади. Бу ишлаб чиқариш жараёнларида хомашё ва энергия сарфини камайтириш орқали молиявий томондан фойда бериши ҳам мумкин.



Муҳиддин ПЎЛАТОВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

“Яшил” иқтисодиёт концепциясининг мақсади барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва инвестициялар фаоллигини ошириш билан бир вақтда атроф-муҳит муҳофазаси ва ижтимоий интеграция сифатини яхшилаш ҳисобланади. Бу табиатга зарар етказмасдан ва келажак авлодлар учун барқарор муҳитни сақлаб қолишга қаратилган иқтисодий тизимни барпо этишдир.

Бошланиши 1-бетда

Ҳозирги кунда инсон фаолиятининг табиатга таъсири ва глобал иқлим ўзгаришлари барча давлатларнинг иқтисодиёт тизимларини қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда.

“Яшил” иқтисодиёт деганда, инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарур ресурсларни, атроф-муҳит ва экологияни бир бутун ҳолда сақлаб қолиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари билан боғлиқ иқтисодиётни янада ривожлантиришни амалга оширишга асосланган иқтисодий фаолиятнинг янги йўналиши тушунилади.

Инсон фаолиятининг табиатга таъсири даражасини акс эттирувчи кўрсаткич — “экологик из” инсон тараққиётини белгилаб берувчи объектларни барпо этиш, инсон истеъмоли учун зарур неъматларни ишлаб чиқариш мақсадида қанчалик кўп миқдорда маҳсулдор ер ва тоза ичимлик сувдан фойдаланаётганимиз ҳамда чиқиндилар ҳосил қилаётганимизни ифода этади. “Яшил” иқтисодиёт ўзига хос иқтисодий модель сифатида шу талабларга жавоб беришга қаратилган. Маҳаллий ва глобал даражада табиат билан уйғунликда фаолият юритиш, ресурслардан барқарор ва самарали фойдаланиш, энергия манбаларига тегишли муаммоларни ечиш ва экологик хавфларни минималлаштириш — буларнинг бари “яшил” иқтисодиётнинг асосий мақсадлари бўлиб, улар барқарор ривожланишга эришиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга ёрдам беради.

“Яшил” иқтисодиёт концепциясининг мақсади барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва инвестициялар фаоллигини ошириш билан бир вақтда атроф-муҳит муҳофазаси ва ижтимоий интеграция сифатини яхшилаш ҳисобланади. Бу табиатга зарар етказмасдан ва келажак авлодлар учун барқарор муҳитни сақлаб қолишга қаратилган иқтисодий тизимни барпо этишдир.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида “Ўзбекистон — 2030” тараққиёт стратегияси БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига уйғун эканини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон ҳукумати 2019 йилда Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)ни қабул қилди. Бу ўрта ва узоқ муддатда иқтисодиётни “яшил”лаштириш, экологик тозалик ва ресурсларни самарали фойдаланишга қаратилган муҳим қадам бўлди. Барқарор ривожланишга эришиш мақсадида Ўзбекистоннинг энергия истеъмоли ва ишлаб чиқаришининг катта қисми углерод эмиссияларига боғлиқлиги эътиборга олинган ҳолда 2020 йилда давлат “Яшил энергия” стратегиясини қабул қилган, ушбу секторда янгиланадиган энергия манбаларига (қуёш, шамол, биомасса) инвестицияларни кўпайтиришнинг асосий йўналишларида стратегиялар ишлаб чиқилган.

Сўнгги йилларда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини бажариш мақсадида қатор муҳим чора-тадбирлар кўрилмоқда. Улар қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида ресурсларни тежаш, “яшил” ва инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган.

Ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланган:

Биринчидан, 2030 йилгача Ўзбекистонда “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва “яшил” ўсишни таъминлаш. Ушбу дастурга мувофиқ, иссиқхона газлари эмиссиясини 2010 йил даражасидан 35 фоиз камайтириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлаб чиқариш қувватини 15 ГВт оширш ва электр энергиясининг 30 фоизидан кўпроғини улардан олиш назарда тутилган.

Иккинчидан, энергия самарадорлигини ошириш. Саноатда энергия самарадорлигини камида 20 фоиз ошириш, ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган энергия сарфи ҳажмини 30 фоиз камайтириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш мақсад қилинади.

Учинчидан, сув ресурсларини тежаш. Бунда 1 миллион гектаргача майдонда сув тежовчи суғориш технологиясини жорий қилиш ва иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан самарали фойдаланиш кўзда тутилган.

Тўртинчидан, йилига 200 миллион кўчат экиш ва кўчатларнинг умумий сонини 1 миллярддан ошириш орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни 30 фоиздан ортиқроққа кенгайтириш орқали экологик ҳолатни яхшилаш.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНЕРГЕТИКА СИЁСАТИДА ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЙЎНАЛИШЛАР КЎЗДА ТУТИЛГАН. МОЛИЯЛАШТИРИШ СОҲАСИДА “ЯШИЛ” МОЛИЯЛАШТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ ВА БУ ДАВЛАТНИНГ “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМЛАРИДАН БИРИДИР. “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ МИҚДОРИ ҲАМ ЮҚОРИ СУРЪАТЛАРДА КЎПАЙМОҚДА. МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАҚСАДИДА 2021 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ “ЯШИЛ” ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ЧИҚАРИЛДИ.

Бешинчидан, қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш. Бу йўналишда фаолиятни 65 фоиз ошириш, шу билан бирга, чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини кенгайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шунингдек, энергетика ва саноат соҳасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш концепцияси ҳамда “йўл харитаси” ишлаб чиқилди, улар 2026 йилга қадар энергия сиғимини камайтириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кенгайтиришни назарда тутади.

“Яшил” иқтисодиёт ўзига хос ёндашувни талаб қилади: иқтисодий ривожланиш, экологик барқарорлик ва ижтимоий адолатни бирлаштиради. Бунда табиий ресурсларни тежаш, қайта тиклаш, янги лойиҳа ва технологияларни жалб қилиш орқали ресурслардан самарали фойдаланишга эътибор қаратилган. Шунингдек, ёшларнинг экологик онгини ошириш, ишлаб чиқариш ва истеъмол маданиятини янгилаш, энергияни тежаш ва углерод эмиссиясини камайтиришга асосланган фаолиятларнинг янги шаклларини жорий этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Кўплаб давлатлар янги стратегиялар, қонунлар ва “яшил” молиялаштириш тизимлари орқали “яшил” иқтисодиётни ривожлантиришга интилмоқда. Глобал иқлим ўзгаришлари, жумладан, сув ресурслари камайиши, чўллашиш ва табиий офатлар кўпайиши бутун дунёда ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятни қайта кўриб чиқишга сабаб бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, давлатларнинг иқтисодий моделларини экологик ва ижтимоий қудратга эга барқарор тизимларга айлантиришга чорламоқда. Бундай шароитда “яшил” иқтисодиёт концепцияси аҳоли учун янада яхши ҳаёт яратиш ва табиатни сақлаб қолишда муҳим ўрин тутади.

“Яшил” иқтисодиёт иқтисодий фаолият ва табиатнинг ҳамоҳанглигини таъминлаш, истиқболда иқтисодий ўсиш ва экологик барқарорликка эришиш учун муҳим йўналишдир. Бундан келиб чиқиб, ҳар бир давлат ўз иқтисодиёт тизимини табиий ресурслардан тўғри ва самарали фойдаланишга йўналтириши, экологик хавфларни камайтириш, яшил энергия манбаларига сармоя киритиш ва ахборот технологиялари орқали “яшил” инновацияларни жорий этишга интилиши лозим. “Яшил” иқтисодиётнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: “яшил” иқтисодиёт ўзига хос ресурсларни қайта тиклаш ва уларни тежашга йўналтирилган. Бу энергияни тежаш ва чиқиндиларни минималлаштиришни кўзлайди, ўтган асрдаги индустриал инқилоб даврида органик хомашёлар ва анъанавий энергия манбаларига таянган иқтисодий тизимлар ҳозирги кунда замонавий технологиялар билан энергия самарадорлигини оширишга қаратилган. Бу ерда қуёш, шамол ва биомасса энергиясидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. “Яшил” иқтисодиёт турли соҳаларда экологик ёндашувларни жорий этишни кўзлайди. Масалан, айрим ишлаб чиқариш жараёнларида хомашё қайта ишланиши ёки сарфланган энергияни камайтириш учун инновацион технологиялар жорий этилади.

У нафақат табиатга, балки иқтисодий ўсишга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бу модель ривожланган ва ривожланаётган давлатларда янги иш ўринлари яратиш, инвестициялар кенгайиши ва самарали ресурслардан фойдаланишга замин яратади. “Яшил” иқтисодиётнинг афзаллиги шундаки, янги технологиялар ва энергия манбалари бўйича ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида иш ўринлари яратади. Айниқса, янгиланадиган энергия манбалари соҳасида йирик инвестициялар керак бўлгани учун жуда кўп янги касб ва имкониятлар пайдо бўлади. “Яшил” иқтисодиётга ўтиш ёндош соҳаларда ҳам ривожланишни рағбатлантиради. Техника ва янгиланган тизимлар билан ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, иқтисодий фаолиятни ва ишлаб чиқаришни тезлаштиради. Бу иқтисодиётдаги умумий ўсишни таъминлашга ёрдам беради.

“Яшил” иқтисодиёт инновацион ва экологик тозаликка асосланган модель ҳамдир, чунки энергия ва ресурслардан самарали фойдаланиш жараёнларини ишга солади. Бу ишлаб чиқариш жараёнларида хомашё ва энергия сарфини камайтириш орқали молиявий томондан фойда бериши ҳам мумкин.

Энг муҳим жиҳатлардан яна бири атроф-муҳитни ҳимоя қилишдир. Ушбу иқтисодий моделнинг экологик афзалликлари ҳақида гапирар эканмиз, аввало, табиатга тааллуқли масалаларга эътибор беришимиз керак. “Яшил” иқтисодиёт ушбу мақсадга эришиш учун углерод чиқаришни камайтиришга эътибор қаратган. “Яшил” энергетика манбалари ва ресурсларни қайта тиклаш углерод эмиссиясини пасайтириш имконини яратади, бу эса иқлим ўзгаришларининг олдини олишга ёрдам беради.

Табиат билан ҳамоҳанг иқтисодий фаолият табиатнинг сақланишини таъминлайди. Табиий ресурслар, хусусан, сув, озиқ-овқат хомашёсидан оқилона фойдаланишга, табиий тизимларнинг ушбу фаолиятларга таъсирини минималлаштиришга ҳаракат қилиш мустаҳкам барқарорликка олиб келади. “Яшил” иқтисодиётда ишлаб чиқариш жараёнларида чиқиндиларни қайта ишлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу чиқиндиларни қисқартириш ва қайта ишлашнинг янги йўналишларини аниқлашга, шунингдек, қолдиқларни барқарор манбаларга айлантиришга кўмаклашади.

“Яшил” иқтисодиётга ўтишга қаратилган сиёсат ва стратегиялар ҳар бир давлат учун муҳим. Бу жараёнда қонунчилик, молиялаштириш ва инновацион янгиликлар муҳим роль ўйнайди. “Яшил” иқтисодиётга сармоя киритиш экологик тозаликка ва янгиланадиган энергия манбаларига йўналтириладиган инвестицияларни кўпайтиришга имкон беради. Давлатлар “яшил” облигация чиқариш, халқаро бозорларда савдога чиқариш назарда тутилган. Қарорга мувофиқ, ажратилган маблағ республиканинг “яшил” иқтисодиётга ўтиш жараёнини тезлаштириш, иссиқхона газлари эмиссиясини мониторинг қилиш тизимини ишга тушириш, қўллаб-қувватлашга сарфланади. Масалан, Навоий вилоятида қуёш электростанцияси қуриш, Самарқандда шамол энергиясидан фойдаланиш ва Хоразмда биомасса энергиясини ишлаб чиқариш бўйича амалиётлар кенгайтирилмоқда.

Ўзбекистоннинг энергетика сиёсатида энергия самарадорлигини оширишга қаратилган йўналишлар кўзда тутилган. Молиялаштириш соҳасида “Яшил” молиялаштириш концепцияси жорий қилинди ва бу давлатнинг “яшил” иқтисодиётга ўтиш йўлидаги муҳим қадамларидан биридир. “Яшил” иқтисодиётга йўналтирилган инвестиция миқдори ҳам юқори суръатларда кўпаймоқда. Молиялаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришни жорий этиш мақсадида 2021 йилда Ўзбекистоннинг биринчи “яшил” облигациялари чиқарилди.

Президентимизнинг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари” тўғрисидаги фармонлари асосида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси дастурларида атроф-муҳит объектларини (ҳаво, сув, ер, тупроқ, ер қаъри, биохилма-хиллик, қўриқланадиган табиий ҳудудлар) инсон таъсири ҳамда салбий таъсир қилувчи бошқа омиллардан сақлаш ва сифатини таъминлаш ҳамда саноат ишлаб чиқариши, урбанизация кўлами кескин кенгайиши сабабли аҳоли пунктларига тушаётган экологик юкни камайтириш механизмларини такомиллаштириш режалари ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда.



Жорий йил 21 октябрь куни давлатимиз раҳбари раислигида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Лойиҳа доирасида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди. Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизда ҳар йили 200 миллион туп дарахт ва бута экилиб, яшиллик миқёсини 2030 йилгача 30 фоизга етказиш мақсади белгиланган. Сўнгги йилларда бу кўрсаткич 12 фоизга етди. Бу йил баҳорда 138 миллион туп кўчат экилди. Йил бошидан буён 10 минг гектардан зиёд “яшил белбоғ”, вазирлик ва ҳокимликлар 257 та боғ барпо қилди. Оролбўйида яшил қоплама 2 миллион гектардан ошди. Жорий йилдан бошлаб йўл, дарё ва каналларга туташ 2 минг гектар ер 10 минг аҳоли ва тадбиркорга экиш учун ижарага берилди. “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида бюджетдан 49 миллиард сўм ажратилиб, маҳаллаларда 215 та янги боғ яратиляпти.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳудудида 2023-2024 йилларда ушбу умуммиллий лойиҳа доирасида институт махсус маблағлари ҳисобидан сотиб олинган 13 минг тупдан ортиқ манзарали ва мевали дарахт кўчати экилди. Бу кўчатлар ҳудуднинг табиий иқлимига мос равишда танлаб олинди ва суғориш ишларини қай тартибда амалга ошириш белгиланди. Биринчи навбатда, институтнинг бино ва иншоотлари жойлашган майдонларда боғ яратиш, мавжуд боғларни тўлдириш ва кўкаламзорлаштириш назарда тутилди.

Ўзбекистонда қуёш энергияси соҳасида инвестициялар аниқ динамика билан ўсмоқда. Масалан, Наманган вилоятидаги қуёш станцияси ва Тошкент вилоятидаги қуёш панеллари лойиҳалари амалга оширилган. Бундай лойиҳалар мамлакатимизда энергия самарадорлигини оширишга ва углерод эмиссиясини камайтиришга қаратилган муҳим қадамлардир. Чиқиндиларни қайта ишлаш ва ёқиш бўйича ишларнинг янада ривожланиши талаб этилади. 2020 йилда мамлакатда иқтисодий, экологик ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган янги ташаббуслар қабул қилинди, жумладан, қайта ишланадиган материалларни ишлаб чиқариш ва тўғри чиқиндиларни қайта ишлаш технологияларига инвестицияларни кўпайтиришга ҳаракат қилинмоқда. Ўзбекистонда иқлим ўзгаришига қарши курашиш учун халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда инновацион лойиҳалар амалга оширилмоқда. БМТ ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда мамлакат иқлим ўзгаришини чеклашга қаратилган стратегиялар ишлаб чиқилмоқда. “Яшил” иқтисодиётнинг бир қисми сифатида юртимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам қатор ташаббуслар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш учун замонавий ирригация тизимлари жорий этилмоқда. Бу ерда асосий эътибор сувни тежаш ва катта миқдордаги сув сарфини камайтиришга қаратилган. Масалан, Дўстлик суғориш каналида инновацион, автоматлаштирилган суғориш тизимлари жорий қилинган. Бу фермерлар учун самарали ва энергия тежовчи технологиялардан фойдаланиш имконини беради. “Яшил” иқтисодиётга ўтиш нафақат экологик, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тадбирлар, хусусан, барқарор шаҳарларни яратиш, аҳоли учун яшил зоналарни ташкил этиш, соғлом муҳитда яшаш учун шарт-шароитларни яхшилашга қаратилган. Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда яшил хўжалик ва атроф-муҳитга ғамхўрлик билан боғлиқ лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Давлатимизнинг энергетика секторидаги ислоҳотлар, янгиланадиган энергия манбаларига сармоялар киритиш, қуёш ва шамол энергиясини фаол жорий этиш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш учун халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик — буларнинг барчаси юртимиз иқтисодиётини экологик жиҳатдан тозалаш ва узоқ муддатда барқарорлаштириш учун қўйилаётган муҳим стратегик қадамлардир. Агар Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва энергетика секторидаги иқтисодий салоҳиятини янада яхшиласа, у ҳолда “яшил” иқтисодиёт ривожи янада тезлашади.

Мамлакатимизнинг “яшил” иқтисодиётга ўтиш жараёни энг муҳим ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган илғор ташаббуслар билан қувватланмоқда. Ушбу жараён экологик барқарорликни таъминлашга ёрдам бериш билан бирга, иш ўринлари яратиш, янги инвестициялар киритишга муҳим қадам ҳамдир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

2025 йил юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилинди. Атроф-муҳитни тоза тутиш, келажак авлодларимизга тоза экологик муҳит қолдириш бугун энг долзарб масалалардан.

КЎЗГУ 5

2024 йил 30 ноябрь, 244-сон

ТУБИ ЙЎҚ ОЛАМДИР – ИЛМ-МАЪРИФАТ

Замон билан ҳамнафас



Ҳеч бир жамият илмсиз тараққиётга эришмайди. Қадим Турон заминида бекордан бекорга икки марта дунё тамаддунига бебаҳо ҳисса қўшган ренессанслар бўлмаган. Ота-боболаримиз азалдан илмга интилган, билимни қадрлаган. Бугун биз Учинчи Ренессанс пойдеворини улуғ боболаримиз мероси асосида яратишга аҳд қилганмиз. Президентимиз ташаббуси билан бошланган ва заминига биринчи ғиштлар терилаётган шу кунларда бу эврилишнинг илдизи илм экани ўз-ўзидан аён бўлиб турибди.

Мунира РАМАЗОНОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, мустақил изланувчи



Мамлакатимизда мактаб таълими, илм-фанни ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилди. Деярли жар ёқасига бориб қолган Фанлар академияси тамомила янгидан бунёд этилди. Муаллимлар мактабга қайтди. Таълим-тарбиянинг янги усуллари дунёга келди.

Ўқитиш сифатини ошириш, ёшларни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган сиёсат изчил давом эттириляпти. Муаллимлар таълим-тарбияга қўйилган талаблар асосида дарс беришнинг янги усулларидан фойдаланмоқда.

“Бизнинг иккита ўқ томиримиз, иккита таянч устунимиз бор: бири — иқтисодиёт, бири — маънавиятдир. Маънавий буюк халқ иқтисодий томондан ҳам буюк бўлади”, деди Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси йиғилишида.

Бир неча йил мактабда санъат йўналиши бўйича дарс бердим. Ҳозир “Ўсмирлар маънавиятини артпедагогика технологиялари асосида ривожлантириш” мавзусида илмий иш қиляпман. Тошкентдаги мактабларда санъат йўналиши бўйича дарс ўтганимда артпедагогика — дарс ўтишда янги замонавий усуллардан фойдаланиш, айниқса, улуғ санъаткорларнинг тасвирий санъат асарлари ёшлар онгига нақадар тез таъсир қилиши, уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишида жуда катта ўрин эгаллашига гувоҳ бўлдим.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедовнинг “Она ўйлари” номли асари 1956 йили яратилган. Ўқувчиларга бу асарнинг мазмуни, тарбиявий аҳамияти ҳақида сўзлаб бердим. Асарда ўтмиши синовларга тўла, бироқ ҳозир армон оғушига чўмган, кундалик юмушлар билан ўзини юпатиб яшаётган мунгли онанинг болалари урушдан қайтишини интизорлик билан кутаётган ҳолати тасвирланган. Рассомнинг асарда оналар ҳақидаги фикрларини тушунтириш, уларнинг уруш туфайли чеккан азоб-уқубатини болаларга етказишда “суратни талқин қилиш” методини қўлладим. Ўтказилган таҳлиллар адабиёт ва тасвирий санъат уйғунлиги ўсмирлар онги ва хотирасида 60-70 фоиз самарали кечганини кўрсатди. Бу эса ўсмирларга кўпроқ ҳикоялар, китобларни расмлар орқали тасвирлаб бериш самарали бўлишини тасдиқлади.

2021 йил 31 август куни истиқлолимизнинг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган “Янги Ўзбекистон” боғи ва Мустақиллик монументининг тантанали очилиши маросими бўлди. Боғнинг марказий қисмида қад ростлаган муҳташам бадиий обида — Мустақиллик монументи барпо этилди. Ушбу монумент ёшларнинг фикрлаш туйғусини шакллантиради. Санъат ва педагогика уйғунлиги назария ва амалиётни, мазмун ва шаклни уйғун ривожлантириш билан шуғулланиш имконини беради.

Ана шу монумент тасвирланган санъат асарини ўқувчиларга кўрсатиб, у ҳақда тўлиқ маълумот берганимдан сўнг болаларнинг ватанга, юртга меҳру муҳаббатини уларнинг порлаб турган кўзларида кўрдим. Улар бу мажмуада тасвирланган мамлакатимиз тарихи, миллатнинг шаклланиш босқичлари, улуғ боболаримиз, саркардалар, адиблар ҳақидаги саволларга кўмиб ташлади. Демоқчи бўлганим шуки, биргина артпедагогик усулда ёшлар қалбида ватанга, халққа, ота-онага, боболаримизнинг қаҳрамонлигига, илм-фандаги кашфиётларига қанчалар қизиқиб қолгани яққол кўринди.

Бугун мактабда ўқитиладиган барча фанда артпедагогика усулининг ўрни ниҳоятда катта. Фақат муаллим ўқувчилар қалбига йўл топиши, билимини ошириш йўлида изланиши, бетиним меҳнат қилиши лозим. Чунки фақат илмли, илғор ёшларга, жонкуяр зиёлиларга, ватан равнақи йўлида бирлашган халққа эга давлатгина миллий манфаатларини таъминлашга эриша олади.

Президентимиз таъкидлаганидек, бугун барчамиз ёшларимиз онгу тафаккурида миллий ғурур билан бирга умумбашарий қадриятларга ҳурмат ҳиссини камол топтириш учун ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш зарур. Фарзандларимизни замонавий билим ва дунёқараш, даромадли касб эгалари этиб тарбиялаш, уларни илм-фан, ахборот технологиялари, маънавият, санъат ва адабиёт, спорт билан ошно этиш учун ҳеч нарсани аямасдан, бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз керак.

Бугун ёшларимиз аниқ ва ижтимоий фанлар бўйича ўтказилаётган халқаро олимпиадалар, танловларда юқори ўринларни эгаллаётгани мамлакатимизда мактаб таълимига қаратилаётган эътиборнинг ширин мевасидир.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари таълим сифатини янада ошириш, ёшларимизни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган сиёсат изчил давом эттирилишини таъкидлади. Келгуси йилларда боғчаларда қамровни 80 фоизга, олийгоҳларда эса камида 50 фоизга етказиш ҳукумат учун асосий вазифа бўлиб қолишини, халқаро молия институтларининг 61 миллион доллар маблағи ҳисобидан 2025 йилда 252 та янги боғча барпо этилишини маълум қилди. Шунингдек, 174 та боғча ва 379 та мактаб таъмирланади ва янгидан қурилади. Бу мақсадлар учун бюджетдан 4 триллион сўм ажратилади.

Тадбиркорларга мактаб қуриш учун 20 миллиард сўмгача имтиёзли кредит ажратилади. Бунда кредит ставкасининг 13,5 фоиздан ошган қисми бюджетдан қоплаб берилади.

Ҳа, Учинчи Ренессанс остонасида турган янги Ўзбекистон фарзандлари ҳамиша ватан ардоғида бўлади. Биз — тарбияга масъул муаллимлар, ота-оналар, маҳалла-кўй, зиёлилар, шоир ва ёзувчилар ҳам фарзандларимизни эртанги жамиятга муносиб кишилар қилиб тарбиялаш йўлида бор кучимизни сафарбар қилишимиз лозим.

2025 йил юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилинди. Атроф-муҳитни тоза тутиш, келажак авлодларимизга тоза экологик муҳит қолдириш бугун энг долзарб масалалардан. Давлатимиз раҳбари яшил боғлар ташкил этиш, экологик маданиятни шакллантириш бўйича концепция ишлаб чиқиш таклифини ҳам билдирди. Юртимизда соғлом табиий муҳит яратиш, айниқса, ҳаво тозалигини таъминлашга қаратилган амалий ишларни кучайтириш ва таъсирчан қонунлар ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Бундан уч йил аввал бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ҳозирга келиб, чинакам халқ ҳаракатига айланди. Ушбу дастур бўйича Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида боғ яратиш учун кўчат экилди. Яшил майдонларни кўпайтириш давом этмоқда. Халқимизда “Яхшидан боғ қолади” деган мақол бежиз айтилмаган. Бугун экилаётган ниҳоллар келажакда униб-ўсиб, атроф-муҳит экологиясини яхшилаш, ҳудудлар қиёфасини обод этиш баробарида, табиатни асраш, экологик мусаффоликни таъминлашга кўмак беради.

Хоҳ хусусий, хоҳ давлат ташкилотлари бўлсин, улардаги айни ҳолатлар бирлашиб, ҳақиқатан салоҳиятли ёшларнинг хорижга ишга кетиб қолишига ёки касбини ўзгартиришига сабаб бўлаверади. Айнан ахборот технологиялари ва маркетинг йўналишларида йиллаб ўқиб, муносиб иш топа олмай, яна янги касбларни ўрганиб юрган танишлар кўпчилигимизда топилса керак.

Нега мақолада касб масаласига бундай чуқур урғу бердик? Сабаби бугунги даврда миллат ёшларининг нима иш билан машғул экани жамиятнинг салоҳиятини, унинг нималарга қодир эканини кўрсатади. Яъни бу “Кун тартибингни айт, келажагингни айтиб бераман” деган машҳур иборанинг инъикоси.

Хўш, бугун кун тартибимиз қандай? Уни таҳлил қилсак, келажагимизга қандай баҳо бериш мумкин бўлади? Албатта, бу саволнинг-да жавоби мунозараларни келтириб чиқаради, аммо шуниси маълумки, жамиятимизнинг катта қисми ўзини “Болаларимиз биздан яхшироқ бўлади, илмлироқ бўлади”, сингари қуруқ ниятнинг ўзига кўниктириб қўйгандек гўё. Бугунчи? Аслида, биз яхши бўлишимизга нима халақит қилмоқда? Шубҳасиз, оммавий дангасалик ва ҳафсаласизлик. Ўзини томоқ ташвишидан орттириб, илмга юз бурмаётган миллат билан саҳрода ёмғир кутиб, ҳаракатланишдан тўхтаган карвоннинг нима фарқи бор?

Аксариятимиз бугун ўз эринчоқлигимиздан бехабар ҳолда бошқаларни камҳаракатликда айблашга устамиз. Бунинг ортидан олдимизга қўядиган мақсадларимизнинг ҳам масофаси ниҳоятда яқин — яхши иш топсам, уй қурсам, машина олсам, маза қилиб яшасам, саёҳатларга чиқсам деймиз ва кўпчилигимизда бори фақат шулар.

Ривожланган давлатларда одамлар ойга учаётган пайтда бизнинг қилиб юрган ишимизни қаранг, деган гап тез-тез айтила бошлади. Аксариятимиз бу вазиятда айни муаммонинг айбдорларидан бири эканини унутган ҳолда ўз миллатимиз устидан ёзғиришни бошлаймиз. Бу ҳолатда бизнинг ғийбатчидан нима фарқимиз бор? “Ҳа, уларда илм-фан ривожланган-да”, “Ҳа, уларда бизда йўқ шароитлар бор-да”, “Ҳа, улар фарзандларини эркин фикрли қилиб улғайтиради-да” — баҳоналаримизнинг адоғи йўқ. Бизга-чи, бизга ким халақит қиляпти? Фарзандларимизни кенг дунёқарашли қилиб тарбиялашдан ким тўсяпти? Билим олиш, тил ўрганишимиз учун ким қаршилик кўрсатяпти? Албатта, ўзимиз. Кўпчилигимиз айбдорни ташқаридан излашга одатланиб қолганмиз. Лекин унинг ўз ичимизда ўрнашиб олганини тан олгимиз келмайди.

Мақола аввалида “Бугун қандай яшаш керак?” деган саволни қўйгандик. Хулоса ўрнида эса шунга ўз жавобимизни бермоқчимиз: “Бугун бошқалардан бир қадам олдинда яшаш керак!”, “Бугун ҳар ким ўз ҳаёти билан яшаши керак!”, “Бугун жамиятдан нуқсон излаб эмас, нуқсонларини тузатиб яшаш керак!”.

Сиз-чи? Бу саволга сизнинг жавобингиз қандай, азиз муштарий?

Жонибек ЭРКИН,
журналист

Мулоҳаза



БУГУН БИР ҚАДАМ ОЛДИНДА ЯШАШ КЕРАК

ЁХУД СЕЗИЛМАС ОҒРИҚЛАР ИЗТИРОБИ

Тараққиёт тезлашиши инсоният олдига “Бугун қандай яшаш керак?” деган катта бир саволни рўбарў қилди. Ўз ривожининг юқори пиллапояларида турган мамлакатларда бу савол аср бошидаёқ долзарблашган бўлса, минтақамизда эндигина оммалашяпти. Ростдан ҳам бугун қандай яшаш керак?



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Куни кеча миллионлаб рўзғорларни тебратиб турган касблар бугун роботлар қўлига ўтган, олимлар келгусида яна юзлаб касблар сунъий интеллект қурбонига айланишини башорат қилмоқда. Энг қизиғи, аксариятимиз ҳали роботлар нималигини тўлиқ тушунмай туриб, роботлашувнинг узвий давоми бўлган сунъий интеллектга мослашиш ҳақида бонг уряпмиз. Масалан, мактабларимиздаги оддий ўқитувчиларнинг катта қисмида сунъий интеллект ҳақида тушунча деярли йўқ, дарсларни у билан интеграция қилиш деганда эса тасаввурида ҳеч нарса шаклланмайди. Шундай экан, қандай қилиб биз улардан замонавий авлодни тарбиялашни кутишимиз мумкин?

Мақолани тайёрлаш давомида бир неча олийгоҳ ўқитувчилари билан сунъий интеллект мавзусида гаплашдик, қизиғи, уларнинг-да даражаси мактаб ўқитувчиларникидан кўп фарқ қилмайди.

Бугун хорижда ўқиб келиб, юртимизда ўз бизнесини очган ёшлар сони кўпайяпти. Шубҳасиз, уларнинг аксари технология, замонавий иқтисодиёт ва маркетинг йўналишларида. Бу каби ёшлар мамлакатимизга қайтиб бизнес бошлашига асосий сабаб — давлатимиз томонидан тадбиркорликка берилаётган катта имкониятлар. Жой масаласи деймизми, солиқ ва божхона имтиёзи деймизми — қачонлардир танқис бўлган имтиёзлардан янги тадбиркорлар етарлича фойдаланиши мумкин. Уларни қийнаётган ягона муаммо кадрлар етишмаслигидир.

Бир тадбиркор ҳикоя қилиб берганди. У АҚШнинг нуфузли университетларидан бирини тамомлаб, юртимизга келиб, замонавий маркетинг бўйича компания ташкил этмоқчи бўлади. Етарлича потенциалга эга инвесторларни топган тадбиркор 3 йилда ўз компаниясини камида Марказий Осиё даражасидаги компанияга айлантиришни мақсад қилади. Режага кўра, барча ходимларни ўз юртдошлари орасидан танлаши керак эди. Бироқ ярим йиллаб вақт сарфлашига қарамай, кўнгилдагидек жамоа тўплай олмайди. У ҳатто айни соҳа бўйича ўқитадиган ОТМларга ҳам бориб, иш ҳақида талабаларга эълон беради. Афсуски, талабалар орасида талабга жавоб бера оладиган салоҳиятли ёшлар топилмайди. Бир томондан, инвесторлар ишлар нега бунча кечикаётгани ҳақида сўрай бошлаганди. Тадбиркор эса инвесторлар хорижлик бўлгани учун уларга ўзбекистонликлар орасидан талабга жавоб бера оладиган кадрлар топа олмаётганини айтишга уялади. Охир-оқибатда тадбиркор МДҲ давлатларидан малакали ходимларни жалб қилиб, ишни бошлашга мажбур бўлади. Бу каби ҳолатлар аслида, кўп учрайди ва у жамиятимизни қийнаши керак бўлган масала.

Яна бир стереотип бор, яъни ўзаро суҳбатларда яхши кадрларнинг катта қисми чет элга чиқиб кетмоқда деймиз. Афсуски, буни рақамларда келтириш қийин бўлса-да, жамиятга назар солиб, бу гапда ҳам “жон бор”лигига амин бўламиз. Хўш, нимага? Нима сабабдан етарлича замонавий билимга эга кадрлар хорижда ишлашни афзал кўради? Бу саволга якдил жавоб бериш бирмунча мураккаб, сабаби вазият ҳар кимда ҳар хил. Бироқ ўзимиз айрим таҳлиллардан келиб чиқиб, баъзи хулосалар ясашга ҳаракат қиламиз.

Табиатан инсон қулай иш муҳитига мойил, яъни хотиржам ишлашни, молиявий етишмовчиликларни иложи борича бошдан кечирмасликни истайди. Аслида, касб ўрганишга иштиёқимизнинг туб асосларидан бири ҳам айнан қулай — “комфорт” муҳитдир. Агар ўзингиз мисолингизда оладиган бўлсангиз, сиз машаққат билан ўрганган соҳангизнинг самараси ҳам шунга яраша бўлишини истайсиз. Бу кишидаги ўзига бўлган ишончнинг қай даражада юқорилиги биланда боғлиқ. Яъни ўзига ишончи баланд ходимнинг талаблари ҳам мос равишда ошиб бораверади. Бироқ мамлакатимиздаги иш берувчиларнинг таклифлари бунга жавоб берадими? Яхши кадрларни қабул қилиш жараёни бизда қанчалик тўғри шаклланган?

Бугун олийгоҳни тамомлаб борган, иш тажрибасига эга бўлмаган ёшларни ташкилотлар тўғридан тўғри ишга олиши қийинлигича қолмоқда. Амалда иш берувчилар кўп ҳолларда “иш тажрибаси” йўқлиги важи билан номзодларни қайтаришда давом этаётир. Бу эса ёшларнинг онгида яна ўша анъанавий саволни пайдо қилади: “Ўзи иш тажрибасига эга бўлиш учун ишга кирмоқчи бўлаётган бўлсам, ишламаган одамдан эса тажриба талаб қилиш қайси мантиққа мос келади?”. Бир оз ғализ бўлса-да, бу тиланчидан таом тилаган билан тенгдек.

Бироқ бу “қайтариш”лар ҳам ўз-ўзидан эмас, унинг ортида-да яширин манфаатлар бордай худди. Мамлакатимиз кадрлар сиёсатини қанчалик рақамлаштирмайлик, унда инсон омили иштироки тўлиқ йўқолди, дея олмаймиз. Кунора “фалончи пистончини фалон лавозимга киритиб қўйиш учун пистонча сумма сўраган пайтда қўлга олинди” мазмунидаги хабарларга кўзимиз тушиши ҳам фикримизни тасдиқлайди. Яъни ҳали-ҳануз айримлар учун ишга киритиш мўмай даромад манбаи сифатида қолмоқда. Бундай вазиятда эса курсига касбий салоҳияти юқори кадрлар эмас, “уддабурон” номзодлар тезроқ етиб боришда давом этади. Айни ҳолатларнинг тез-тез учраши аксарият билимли ёшларда расмий вакансияларга бўлган ишончни сўндириб қўяди. Хусусий секторда-чи? Ундаги ҳолат мақтаб кўрсатишга арзийдими? Аммо юқорида илова қилганимиз яхши ходим тополмаган тадбиркордан фарқли ўлароқ, аксарият хусусий ташкилотлар ҳам кадр танлашга нейтрал ёндашади дея олмаймиз.



Асосан, ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритувчи хусусий компанияларнинг кадрлар сиёсатида шундай тенденция шаклланганки, улар меҳнат бозоридан ўртамиёна маошга малакали ходим излашга уринади. Бу ҳам ўз-ўзидан шаклланиб қолмаган, айни тенденциянинг туб асосида жамиятимиздаги меҳнат маданияти турибди. Яъни аксарият номзодлар ишга кириш жараёнида шаффофликка амал қилмай, иш берувчиларни алдашга, қўлидан келмайдиган кўникмаларни бажара оламан деган ваъда билан даромадли келишувга эришишга ҳаракат қилади. Натижада иш берувчи “панд ейди”. Бу эса уларда ходимларни арзимас маош ҳисобига ишга олиш ва унумдорлигига кўра, босқичма-босқич ошириб боришни одатга айлантирди. Яъни хусусий сектор ва ходимлар ўртасидаги айни тушунмовчиликларда икки томоннинг ҳам “айби” йўқ эмас.

Айрим хорижий мамлакатлар эса бунга ўзига хос ечим топган. Яъни аксарият хусусий компаниялар барча ходимларни бир хил, аммо замон талабларига мос юқори маош эвазига ишга қабул қилади ва уларга доимий маош иккинчи ёки учинчи ойдан бошлаб тайинланади. Бу дастлабкисидан кўп ҳам, кам ҳам бўлиши мумкин. Яъни келгусидаги молиявий таъминот миқдорини ходимнинг ўзи “ҳал этади”. Бизда эса номзодларнинг иккинчи ёки учинчи ойдан маоши кўтарилиш ўрнига тушишини қабул қилиши анча қийин. Бу ўз-ўзидан жамиятимиз орасида меҳнат маданиятини етарлича ривожлантиришимиз зарурлигини кўрсатади.

Интернет овунчоқ эмас. У бизга ғоя ва мақсадларимиз, истагимизни нур билан ёритиш, дунёқарашимизни ўзгартириш учун манба ёки восита бўлиши керак, аслида.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Нуқтаи назар

ҲЕЧ НАРСА МАЪНАВИЙ МЕЪЁРЛАРИМИЗ, МИЛЛИЙ ТАРБИЯМИЗГА ЗИД БЎЛМАСИН



Комил шахс тарбияси доим долзарб бўлган. Дунёнинг бугунги қиёфаси ана шу комил шахсни тарбиялашда бир қатор муҳим вазифаларни олдимизга қўймоқда. Давлатимиз раҳбари: “Бугун фақат мана шундай илғор ёшларга, мана шундай жонкуяр зиёлиларга, Ватан равнақи йўлида бирлашган халққа эга бўлган давлатгина ўз миллий манфаатларини таъминлашга эриша олади”, деб бежиз айтмади.



Қўчқор НОРҚОБИЛ,
ёзувчи

Маънавиятли инсон ватанпарвар бўлади. Бунинг учун инсон, хусусан, ёшлар дастлаб ўзлигини яхши англаши, таниши ва унга ҳурмат руҳида ўсиши керак. Бугун ёшлар тарбиясига жиддий эътибор қаратилиб, мамлакатимизда бунинг учун бор куч ва имконият ишга солинмоқда. Шундай вазиятда зиёлилар олдинги сафда туриб, ўзгаришларга камарбаста бўлиши шарт. **Республика Маънавият ва маърифат маркази медиамаҳсулотларни маънавий экспертизадан ўтказиш зарурлиги борасида қатъий таклиф замирида ана шундай эзгу ният бор.**

Гап миллат маънавияти, ёш авлод тарбияси, инсоний қадрият ва фазилатларни улуғлаш ҳамда бу тушунчаларга хуружларнинг олдини олиш ҳақида борар экан, албатта, бу ташаббусни қўллаб-қувватлайман. Очиғи, бугун интернет, ижтимоий тармоқлар дунёсига назар ташласангиз, билимсизлик, савиясизлик инсондаги гўзал туйғуларни емириб, ҳалокатга дучор қилишини ҳис этасиз. Масалан, ижтимоий тармоқларда қуюшқонга сиғмайдиган бепарда ва беандиша вайсақилик тобора урчимоқда. Гўё қочирим ё юмор ўрнида айтилаётгандай бўлса-да, замирида ахлоқсизлик бўртиб турган бундай шармсизликка кўпимиз кўникиб боряпмиз. Ақлу ҳуши жойида, эси бор одам тилга олмайдиган шу тахлит уятсиз гап-сўзларнинг айтилиши одатий тус олмоқда. Айрим роликчилар ёки вайнерлар атрофида одам тўплаш, оммани ўзига қаратиш учун шармандали йўлга ўтиб олган. Бир-бирига куракда турмайдиган гапларни айтаётган син-сумбати туппа-тузук, бироқ ботини абгор бундай кимсаларга боқиб, булар санъат ёки журналистикани шаллақилик, шармсизлик майдони, нима қилиб бўлса ҳам омма эътиборида бўлиш воситаси деб тушунишига шубҳа қилмайсиз...

Нега бундай бўляпти? Нега тилимиз, муомала ва фикрлашимиз шу даражада тубанлашиб бормоқда? Ахир тилни инсонийлик даражасини белгиловчи, одамни ҳайвондан фарқлаб турувчи энг олий восита деб биламиз-ку. Ҳазрат Навоий “Оғзига келганни демак нодоннинг иши, олдига қўйганни емак ҳайвоннинг иши...”, деб бежиз айтмаган. Тил, албатта, маънавий тафаккур булоғининг идрок ва эътиқод сувидан баҳра олиши керак. У фикримиз чироғини ёқади ҳамда миллатнинг қарашини намоён қилади. Шундай экан, “оғзига келганни демак”ка кўникиб бориш миллат маънавиятини, оқибатда ўзини ҳам ич-ичидан емиради. Бундай ҳолатда миллат оёғида тик туриши, ғимирлаб юраверишни мумкин, бироқ тирик мурдадан фарқи қолмайди. Тирик мурдага айланган миллатни эса ҳар қандай мафкуравий шабада, ҳатто эпкин ҳам бемалол ўйнатиши мумкин.

Ҳеч ҳам ваҳима қилаётганим йўқ. Сезиб турибмиз, фақат қандай чора топишни билмаяпмиз. Алалоқибат ўзимиз ҳам кўника бошлаяпмиз. Гўё тубсиз бир чоҳга, зимистон қаърига қулаётгандаймиз. Бу ҳалокатли ҳолат миллий иммунитет пасайиб бораётгани, ўзлик, одамийликка хос фазилатлар давр тўзонлари ичида йўқолиб, кўмилиб кетаётгани оқибатидир. Ахлоқ, шарм-ҳаё, уят, номус деган фазилатларни гумроҳлик бозорида сотиш ҳам одатий тус ола бошлади. Бу бозорда баркамол, шуури тиниқ одам ўзини ахлоқсизлик чоҳига ташламайди. Унда маънавий иммунитет етарли бўлади. Эътиқоди ва қарашларини эзгулик нури билан ҳимоя қила олади. Бироқ бугун бундай одамлар, бундай ёшлар жуда кам. Чунки китоб ўқийдиган, мутолаа ва адабиётдан, билимдан қалқон излаган кимсалар шунчаки оломон билан таққослаганда жуда-жуда оз. Ишонмасангиз, ана, қаранг: кўча-кўйда, меҳмонда, тўй-томошада, шифохонада, ҳатто азада, жамоат уловларида, метрода, поездда, самолётда, хуллас, ҳамма-ҳамма жойда одам боласи телефон узлатида яшаяпти. Ётганда ҳам телефон, турганда ҳам телефон... Телефон пандемиясига чалинган авлоднинг эртасини ўйлаб қайғуга чўкади киши. Бугун телефон ё компьютер экранига кириб кетган авлоднинг нималар кўраётгани, нимадан завқланаётгани билан қизиқасиз. Ўн фоизгина одам қўл телефони ёки интернет орқали бирор асар, маънавий-тарбиявий руҳдаги матн ўқиётган ёхуд одоб-ахлоққа доир лавҳаларни томоша қилаётган бўлади. Панднасиҳат, яхшилик, ҳалоллик акс этган тасвирлар, адабий-маърифий чиқишларни кўриб, албатта, кўнглингиз ёришади. Маънавий озуқа оласиз. Бироқ бундай тасвирларга қизиқиш, иштиёқ нечоғлик, гап шунда... Улардан ҳам ёшлар ва ўсмирлардан кўра кўпроқ ўрта ёки кекса авлод баҳраманд бўляпти.





Аллақаердаги бўлмағур клиплар, ўта беъмани, савиясизлик билан тайёрланган роликлар, қош қўяман деб кўз чиқаришлар, кўрсаводлиги, билимсизлиги ва истеъдодсизлиги ошкор бўлганини англамаган бефаҳм масхарабозлар маҳсули, энг ёмони, шармсизлик акс этган тасвирлар, тилга олиб бўлмайдиган гаплар, одам боласига иснод беҳаё қилиқлар, ҳирс ва тўшак тарғиботига қоришган лавҳалар, инсон кўришга ор қиладиган воқеалар, фоҳишаликнинг очиқ-ойдин тарғиботи кундан-кун кучайиб бораётган паллада бунга индамай қараб туришнинг ўзи ҳам жаҳолат тарафида бўлиш демакдир. Бундай кўргиликларнинг ҳаммаси ҳам Ғарбдан ёки биздан олислардаги бошқалардан эмас, сиз билан мен яшаётган жамиятда, бизнинг орамиздаги одамлар томонидан тайёрланяпти. Шуларни тайёрлаётган ҳам кимнингдир ўғли ё қизидир. Унинг ҳам ота-онаси, ака-укаси, манзилмакони, маҳалласи, қўни-қўшниси бордир ахир. Тўғри тушунинг, шунга ўхшаган биттаяримтани деб бутун миллатнинг қадр-қимматини ерга урилишига жим қараб бўлмайди. Баъзан туппа-тузук кўринган кап-катта кишилар шармандали лавҳаларни тайёрлаб, ижтимоий тармоқларга жойлаяпти. Кўриб ақлингга сиғдиролмайсан, буларни нима жин урди экан деб ўйлайсан. Бу йўлда топган пули ҳам, еган-ичгани ҳам ҳаром эмасми, деган ўйга борасан, киши. Чунки қанчалаб инсонлар руҳияти, айниқса, ҳали онгу шуури шаклланмаган ўсмирлар дунёқарашини бузяпти, заҳарлаяпти бу тоифа.

Интернет овунчоқ эмас. У бизга ғоя ва мақсадларимиз, истагимизни нур билан ёритиш, дунёқарашимизни ўзгартириш учун манба ёки восита бўлиши керак, аслида. Қўл телефони ҳам узоғимизни яқин қиладиган олис билан боғланиш манбаи. Унинг имкониятлари мафкурамизга зиён қилмаслиги, унга боғланиб, қул бўлиб қолмаслигимиз керак. Ҳозир жуда кўпчилигимиз мобил телефондан бир қадам ҳам узоқлашолмайдиган бўлиб қолдик.

Гапларимдан энсангиз қотмасин. Айни дамда болангизга қаранг: у нима билан банд. Телефон ичига кириб кетгудай даражада, сиз қолиб шу таскин-тасаллини шу зормандадан топаётган бўлса, хавотирим бежиз эмаслигини ҳис қиласиз. Ёки фарзандингиз телефон кўриш ўрнига китоб мутолааси билан бандми? Ота-оналарнинг ўзи ўрнак бўлиб китоб ўқияптими? Хонадонингизда шундай муҳит ҳукмрон бўлса, хавотир олмасангиз ҳам бўлади. Қанийди шундай бўлса...

Маънавиятга мутасаддилар, элнинг зиёли қатлами, адиб ва шоирлар оммани, айниқса, ёш авлодни эзгулик йўлига бошлаш, мутолаага ошно қилиш, қалбини одамийлик ёғдуси билан чароғон этиш йўлида тиним билмаяпти. Бу заҳматли меҳнат, хатти-ҳаракатни тўфонга қарши чиқишга қиёсламоқ мумкин ва бу борадаги барча уринишни кўксида юраги бор, миллий ғурури ҳали ўлмаган ҳар бир одам қўллаб-қувватлайди, уларнинг сафида бўлади...

Медиа оламида ножоиз, хавф-хатарга тўлиқ, ёвузлик ва фаҳш тарғиботи урчиган тасвирлар, роликлар тарқатилаётган, телеэкран орқали эфирга маза-матрасиз, тутуриқсиз лавҳалар ҳамда ўта бачкана сериаллар узатилаётган экан, бу ҳолат миллат маънавий юксалиши учун жиддий хавф сифатида қараш лозим. Оммани оломонликка бошловчи бу тахлит хавф ҳамда қутқу, томошабиннинг қалб кўзини кўр қиладиган бундай медиа ва экран маҳсулотларига бефарқ қараб туришнинг ўзи ҳам миллат келажагига хиёнатдир. Шу боис, медиамаҳсулотларни маънавий экспертизадан ўтказиш масаласидан ҳам ҳеч қандай сиёсий хато қидирмаслик керак. Бу хатти-ҳаракатни цензура, сўз ё фикрни чеклашга уриниш, демократияга қаршилик, деб хулоса қилиш ҳам керак эмас. Зеро, миллий қадриятлар ва ахлоқ тушунчаси кўп нарсадан устун. Эрталаб юз-қўлини ювмай тўшакда қаҳва ичадиган демократиянинг йўриғи маънавий меъёрларимизга мос келмагани каби ахлоқсизлик оқоваси ҳам руҳиятимиз, миллий тарбиямизга зиддир. Шу билан бирга, унинг таъсири бугун бизда сезилаётгани, одамлар онги лойқаланаётгани ҳам сир эмас.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Муносабат

ОСОЙИШТА БОЛАЛИК КАФОЛАТИ

Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Болалар — келажак давомчилари. Уларни қандай тарбияласак, камолоти ҳам шунга мос бўлади. Бироқ уларга муносабатнинг ҳам ўз тартиб-қоидаси бор, яъни ҳамма ўз билганича иш тутиши ярамайди.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисида жамиятимизда болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари учраётгани, маданиятимизга хос бўлмаган бундай иллатларга қарши муросасиз муносабатда бўлишимиз ва аёвсиз курашишимиз шартлигини таъкидлади.

Жорий йил 14 ноябрда “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун имзоланди. Мазкур қонунда болаларга нисбатан содир этиладиган зўравонлик тушунчасининг янги шакллари — ғамхўрлик кўрсатмаслик, эксплуатация, буллинг кабилар ҳам қайд этилган.

Ушбу қонуннинг қабул қилинишига жамиятимизда эҳтиёж бормиди? Деярли ҳар куни ижтимоий тармоқлар орқали болаларга зўравонлик ҳолатлари содир этилаётганига гувоҳ бўламиз. Бу, айниқса, оилавий муҳитда, мактабда, кўчада, ҳатто мактабгача таълим ташкилотларида рўй бераётганини кўриб, кишининг кўнгли хира тортади.

Бир муддат аввал хорижга ишлашга кетган турмуш ўртоғидан “қасд олиш” мақсадида фарзандларига зўравонлик қилаётган она тасвирланган видеолавҳа ижтимоий тармоқларнинг ўзбек сегментини ларзага келтирган эди. Қизиғи, мазкур баҳсларда ҳам фойдаланувчилар икки томонга бўлинган. Биринчи томон ҳар қандай вазиятда ҳам болаларга нисбатан бундай зўравонлик содир этилиши мумкин эмас деса, иккинчи томон аёлнинг қилмишини оқлаб, бу вазиятда асосий айбдор ота деган хулосани илгари сурди. Албатта, иккинчи томоннинг дунёқараши эътиборни тортади. Қизиғи, уларнинг деярли барчаси биз билан бир жамиятда, ёнма-ён яшаб юрган инсонлар.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 77-моддасида ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбур экани белгилаб қўйилган. Юқорида таъкидлаганимиз иккинчи томон эса бу ҳолатда бош қонунимизда белгиланган ҳуқуқларга беписандлик билан қараётгани ойдинлашади. Болаларни хўрлаш, руҳиятига салбий таъсир ўтказишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ота-она ўртасидаги можаро туфайли болалар жабрланиши мутлақ адолатсизлик.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Кўплаб оилаларда эр-хотин орасида турли низолар учраб туради. Бу эса ана шу каби оилалардаги болаларнинг ҳам айни муҳитда вояга етаётганини англатади. Вазият ҳақида жамоатчилик ва тегишли органлар ҳамиша ҳам хабардор бўлавермаслигини тан олишимиз керак. Янги қонун билан эса нафақат зўравонликдан жабр кўрган болаларни ҳимоя қилиш, балки зулм хавфи остидаги ўғил-қизларни аниқлаш ва уларга нисбатан зўравонлик хавфини бартараф этиш тизими йўлга қўйилмоқда.

Шунингдек, жабрланган болаларга ҳимоя ордери бериш тартиби жорий этилмоқда. Бунга кўра, ҳимоя ордери ички ишлар органлари томонидан берилади ва зўравонликдан жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига ваколатли давлат органи иштирокида топширилади. Ҳимоя ордери 30 кун муддатгача берилади ва расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради.

Қанча кўмак берилмасин, табиатан ҳар бир бола ўз оиласида ўсиб-улғайишни истайди. Бу инсоннинг фитратига хос. Шу туфайли инсон, хусусан, болалар ҳам атрофидаги муаммолар тезроқ ҳал бўлишини истайди. Давлат ва жамият аралашуви билан боланинг ҳуқуқлари ва хавфсизлиги таъминланиши мумкин, аммо ота-боболаримиз таъбири билан айтганда, ҳеч бир бола “тирик етим” бўлишни истамайди. Халқимизнинг табиатига мос айни истакларга мазкур қонунда ҳам эътибор қаратилган. Янги қонуннинг 37-моддасида зўравонликдан жабрланган болаларнинг ва ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган болаларнинг манфаатларини таъминлаш мақсадида уларнинг оила аъзоларига оилаларни мустаҳкамлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш, жумладан, боланинг ҳаётига ёки соғлиғига бевосита таҳдид солувчи омилларни бартараф этиш бўйича хизматлар кўрсатилиши белгилаб қўйилди. Бу, шубҳасиз, мазкур қонуннинг энг асосий жиҳатларидан биридир. Кўп оилаларда барқарорлик бузилишига иқтисодий етишмовчиликлар сабаб бўлади. Бу эса ота-оналар томонидан болалар тарбиясига бефарқлик, уларни ёшига мос бўлмаган юмушларга мажбурлаш ҳолатлари содир этилишига сабаб бўлиши мумкин. Мазкур қонун билан эса болаларга нисбатан зўравонлик содир этилишига билвосита таъсир кўрсатган иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида иш қидираётган шахсларга ва ишсиз хизматлар кўрсатиш, жумладан, тадбиркорликка жалб этиш, касбга тайёрлаш ва бошқа чоралар кўриш орқали оилаларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга кўмаклашиш белгиланмоқда.

Болаларга нисбатан зўравонликлар мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларида ҳам кузатилаётганига тез-тез гувоҳ бўляпмиз. Қайсидир ўқитувчи ўқувчисини урган, кейин унинг ота-онаси келиб, ўқитувчи билан ёқалашган — бундай воқеалар одатий ҳолга айланиб қолгандек. Янги қонунда бу каби ҳолатларга ҳуқуқий баҳо берилди. Яъни қонун билан таълим муассасаларида интизомий жазо чоралари сифатида зўравонликнинг ҳар қандай шаклини, жумладан, жисмоний жазоларни ва бошқа шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларини қўллашга йўл қўйилмайди.

Дарҳақиқат, айни жиҳат ҳам бугун жамиятимиз учун керакли ҳуқуқий асос бўлди. Сабаби ўқувчиларни калтаклаш, камситиш ҳолатлари инсоний ҳуқуқларга мутлақо зид экани билан бирга айрим ўқитувчилар ҳамда тарбиячиларнинг болаларга нисбатан содир этган зўравонлиги тасвирланган видеолавҳалар юртдошларимизнинг кескин эътирозларига сабаб бўлиб, таълим имижига салбий таъсир қилаётган эди.

“Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун мамлакатимиздаги барча болаларнинг ўзига хос ҳимоячиси бўлиб хизмат қилиши билан ниҳоятда аҳамиятли. Ҳар бир фуқаро у билан атрофлича танишиб, дунёқарашини қайта таҳлил қилиб чиқиши айни муддао бўлади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 4191
41157 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Боборавшан Ғозиддинов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 21:45 Топширилди — 23:50

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05